

Мамлакатимизда иқтисодийни либераллаштириш, бошқарувнинг бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

5 бет

Банк кредитлари фойдали мақсадлар, масалан, бирор тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун берилди. Кредит мақсадли сарфлангандагина кўзланган натижага эришилади. Кредитни мақсадсиз сарфлаш ёки бошқа қинғир йўллар билан талон-торож қилишнинг эса оқибати яхшилик билан тугамайди.

6 бет

Mustaqillik huquq demakdir

# Ўзбекистон



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2015-yil 10-sentabr, №36 (973)

Парламентда

## Давлат бюджетининг ижросига бағишланди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Унда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2015 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси якунлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи кўриб чиқилди.

Таъкидландики, Юртбошимизнинг 2015 йил 16 январдаги мамлакатимизнинг 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида белгилаб берган вазифаларнинг ижроси — 2015 йилнинг биринчи ярим йиллигида иқтисодий таъминнинг тармоқ ва соҳаларида барқарор ривожланишни, иқтисодий кўрсаткичларнинг юқори ўсиш суръатларини сақлашга ҳамда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга имкон берди.

Бунинг натижасида, 2015 йилнинг биринчи ярим йиллик якунларига кўра, мамлакат ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)нинг ўсиш суръати


8,1 фоизни ташкил этди, шунингдек sanoat маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 8,1 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,5 фоизга, капитал қурилиш 18 фоизга, чакана савдо айланмасининг 14,8 фоизга, хизматлар ҳажмининг 13,1 фоизга ўсишига эришилган.

Йиғилишда юртимизда ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ва рақобатбардошлигини ошириш, ташқи бозорда харидорғир маҳсулот ишлаб чиқарадиган янги қувватларни ташкил этишни рағбатлантириш, худудларнинг sanoat салоҳиятини мустақамлаш, транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантиришга қаратилган фаол инвестиция сиёсати олиб борилаётганлигига алоҳида эътибор қаратилди. Асосий инвестицияларнинг умумий ҳажми 18 триллион сўмни ташкил қилди. 2014 йилнинг шу даврига таққослаганда эса 9,8 фоизга ўсди.

Бундан ташқари, Инвестиция дастури доирасида йил бошидан умумий қиймати 160,9 млн. АҚШ долларлиқ 63 та лойиҳа амалга оширилган.

/Давоми 7-бетда/

## 2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили



## Дуо билан эл кўкарар

Халқимизнинг ўзига хос урф-одатларидан бири, хонадонларимизда ўтаётган ҳеч бир тадбир ёши улуглар иштирокисиз ўтмайди. Боиси, юртимиз аҳли доимо қарияларимизнинг дуосини олишга интилади. Шунингдек, уларнинг панданасихатлари ҳамisha ёшларга асқотади.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида бебаҳо миллий кадрятларимиз, умуминсоний анъаналарнинг бардавомлигини таъминлаш, ёши улуг нуронийларнинг жамият ва оила ҳаётидаги ўрнини ошириш, уларнинг бой ҳаётий тажрибасидан ёш авлодни ҳар томонлама баркамол вояга етказишда оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ҳар қандай жамиятнинг ёши улуг одамларга бўлган эътибори ва ғамхўрлиги унинг маданий даражасини белгилайди. Шу боисдан

ҳам истиқлол йилларида бундай юксак фазилатлар янгича маъно-мазмун билан бойиди.

Дуо билан эл кўкарар, дейишади. Ҳаётимизнинг бугунгидек тинч ва осудалиги, турмушимизнинг фаровонлиги, рўзғоримиз бут, дастурхонимиз тўкинлиги Президентимиз раҳнамолигида инсон, унинг манфаати, бахт-саодати ва кадр-қимматини кўзлаб амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсат самараси, қолаверса, кўпни кўрган, ёшларга ибрат бўлаётган кексаларимизнинг дуоси, эзгу ниятлари ижобатидир.

Тадбир

## Қонун ижросини таъминлаш йўлида

Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуслари билан суд-ҳуқуқ соҳасида, шу жумладан, жиноий жазоларни либераллаштириш ва жиноий жавобгарликни енгилаштириш борасида кенг кўламин ислохотлар амалга оширилмоқда.

Бу каби ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида қабул қилинган ва 2015 йил 11 ва 21 август кунларидан кучга кирган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғри-

сида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари билан бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар янги ҳуқуқий меъёрлар билан тўлдирилди.

Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг мазмун-маъно ҳақидаги ижроичиларга ва кенг жамоатчиликка етказиш эса уларнинг ижросини амалда аниқ ва бир хилда таъминлашнинг ҳамда бу орқали қонунларни қабул қилишдан кўзланган мақсадга эришишнинг асосий омилли ҳисобланади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори ҳамда Республи-

ка Ҳарбий суди раиси томонидан тасдиқланган минтақавий ўқув машғулоти ҳамкорликдаги режаси ижроси доирасида жорий йилнинг 5 сентябрь кунини Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида ўқув семинар машғулоти ўтказилди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг биринчи ўринбасари А.Хусанов кириш сўзи билан очиб, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни жадал суръатлар билан ривожланиб бораётгани, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида, шу жумладан, суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам туб ислохотлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Семинарда сўзга чиққан-

лар томонидан 2015 йил 11 августдан кучга кирган қонун билан Жиноят кодексидagi жиноий жазолар қаторига янги — озодликни чеклаш тарзидаги жазо тури киритилгани, янги жиноий жазо жорий этилиши муносабати билан Жиноят-ижроия кодекси "Озодликни чеклаш тарзидаги жазони ижро этиш" деб номланган янги 8-1-боб билан тўлдирилгани, ўз навбатида, мазкур жазо тушунчаси, аҳамияти, қўллаш асослари ва тартиби ҳақида батафсил тушунтиришлар бериб ўтилди.

Шунингдек, 2015 йил 21 август кунини кучга кирган қонун билан Жиноят кодексида хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга қаратилган янги жи-

**Жамшид ТЕМИРОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасининг бўлим ҳарбий прокурори

ноий-ҳуқуқий меъёрлар киритилгани, жумладан "Тадбиркорлик фаолиятига тўсиқлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашуш билан боғлиқ жиноятлар ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қилиш учун белгиланган жиноий жавобгарликлар" хусусида атрофлиқ сўз юритилди.

Машғулот давомида қанчалар қонунчиликка киритилган охириги ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга тўлақонли жавоб олдилар.

Дилноза Усмонова ўз касбига меҳр қўйган, уни ҳаётининг мазмунини деб биладиган ҳодимлар тоифасига кирарди. У 2004 йилдан бошлаб бир қатор мактабгача таълим муассасаларида тарбиячи бўлиб ишлаб, нафақат болалар ва уларнинг ота-оналари меҳрини қозони, балки ҳамкасблари ўртасида ҳам обрў-эътиборга эга бўлди.

## Орзуга етмоқ осонмас

Хуршид **ТОШНАЗАРОВ**,  
Қарши шаҳар прокурорининг  
ёрдамчиси

Унинг меҳнатлари, изланишлари муносиб рағбатлантирилиб келинар, ўзи эса 2007 йилда ўтказилган "Йил тарбиячиси" кўрик-танловининг вилоят босқичида биринчи ўринни эгаллаган эди. Шунингдек, Дилнозадаги иштиёқ, интилувчанлик мудом бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатиларди. Дилнозанинг бирдан-бир орзуси олий ўқув юртида ўқиб, раҳбарлик лавозимларида ишлаш эди. Қайсидир маънода унинг орзуси рўйбга ҳам чиқди. Аммо кўп ўтмай унинг машаққат билан толган ҳурмати чиппака чиқди. Ҳўш, нега шундай бўлди?

Дилноза ўқишга кириш учун бир неча бор ҳаракат қилиб кўрди. Бироқ ҳар сафар омад ундан юз ўтирди. Аммо кўнглидаги раҳбарликка бўлган интилиш асло сўнмади. Батзида у ўзини боғча мудираси ўрнига қўйиб кўрар, бироқ бу лавозимга эришиш учун олий маълумотли бўлиши кераклигини ўйлаб, тушунликка тушарди. Шунинг учун ҳам қандай йўл билан бўлмасин, олий ўқув юрти дипломини қўлга киритиш пайига тушди. Бу масалада унга Шавкат Тиловов исмли шахс яқиндан ёрдам кўрсатди.

2014 йилнинг сентябрь ойида Дилноза таниши Гўзалга кўнғироқ қилиб, Қарши Давлат университетига ишлайдиган бирор таниши бор ёки йўқлигини сўрайди. Гўзал унга Шавкат Тилововнинг телефон рақамини беради. Дилноза Шавкат билан диплом масаласида гаплашгач, "ҳожатбарор" унга бу иш эвазига 3500 АҚШ доллари бериши кераклигини айтади. Дилнозанинг сўралган пулни беришдан бошқа иложи йўқ эди. Ш.Тиловов пулни олгач, Дилнозага Қарши Давлат университетининг "Ўзбек тили ва адабиёти" йўналишини битирганлик тўғрисидаги қалбаки дипломни тайёрлаб беради. Дилноза узоқ йиллик орзуларининг қисқа фурсатда амалга ошганидан ўзида йўқ ҳурсанд эди. Чунки у "бир думалаб" олий маълумотли мутахассисга айланганди. Энди бемалол исталган боғча-нинг мудираси бўлиши мумкинлиги унга тинчлик бермасди.

Дилноза шундай хаёлар билан қўлидаги сохта диплом нусхасини Қарши шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига тақдим этади. Раҳбарият дипломнинг ҳақиқийлигини ва ҳақиқатдан ҳам Дилноза Усмонованинг номига берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат сўраганида, у бунинг ҳам уддасидан чиқади. Қарши Давлат университети томонидан берилган алоқа хатини қалбакилаштириб, сўралган жойга тақдим этади.

Хатдаги муҳр ва имзони кўрган раҳбарият Дилнозадан шубҳаланмайди ва уни Қарши шаҳридаги 48-мактабгача таълим муассасаси мудираси вазифасини бажарувчи лавозимига тайинлади. Дилнозанинг назарида сохта дипломнинг сирини ҳеч қачон фош бўлмайди-гандек эди.

Бироқ халқимизда қинғир ишнинг қийини кирқ йилдан кейин ҳам ошкор бўлади, деган пурҳикмат нақл бор. Дилноза Усмонова ҳар қанча устамонлик кўрсатмасин, бошқаларни чалғитишга уринмасин, қалбаки диплом билан боғлиқ жинояти ошкор бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар суди унга бу қилмиши учун иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда бир йил-у олти мuddатда ахлоқ тузатиш иши ҳазосини тайинлади.

Орзуга етмоқ осон иш эмас. Орзунинг ушлаши йўлида қанчадан-қанча китобларни ва рақиб бўлимоқ олиш, тинимсиз меҳнат керак бўлади. Фақат мақсад сари тўри йўлдан юрмоқ лозим. Ана шунда инсон адашмайди.

## Тадбиркорга эл мададкор



Мамлакат макроиқтисодий тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган тадбиркорлик ва кичик бизнес тармоғини янада ривожлантириш орқали халқ турмуш фаровонлигини оширишда самарали натижаларга эришганимизни вақт кўрсатди. Бугун "Ўзбекистон" ёрликлари билан дунё бозорларида товар-маҳсулотларини сотаётган хусусий мулкдорларимиз ҳақиқий тадбиркор сифатида шаклланиб кетмоқда.

Тадбиркорларимизнинг фаолиятларини эркинлаштириш, уларнинг ташаббус ва изланишларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий кафолатлари яратилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майда қабул қилинган "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишнинг таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон мулкдорларга янада қулайлик ва имкониятлар яратиб берди.

Олот туманида айни вақтда 408 та кичик бизнес субъекти давлат рўйхатидан ўтган. Турли сабабларга кўра фаолиятини тугатаётган ёки тадбиркорлик билан шуғулланишни

вақтинча тўхтатиб турган мулкдорлар билан жойларга чиқиб сўхбатлар ва тушунтириш-тарғибот ишлари йўлга қўйилди. Белгиланган чора-тадбирлар асосида вилоят прокуратурасининг ташаббуси билан очиқ мулоқот ва юзма-юз учрашувлар ташкил этилиб, муаммолар ўрганилди. Маълумотларга қараганда, айрим тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятларини баъзан арзиманган сабаблар билан тугатган.

Бу каби ҳолатлар келиб чиқишининг олдини олиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятида турли муаммоларнинг юзага келишига йўл қўймастик борасида уларни давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида мавжуд қонунчилик талабларини, унда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўлиқ тушунтириш ва профилактика ролини кучайтириш борасида

Аббос **ЭШМУРОВОВ**,  
Олот туман прокурори

зарур чора-тадбирларни белгилаб олиш хусусида туман ҳокимига ахборот юборилди. Шу асосда туман ҳокимининг 2015 йил 5 июндаги фармойиши қабул қилиниб, фаолият кўрсатмасдан келаётган тадбиркорлик субъектлари олдига юзага келаётган муаммоларни бартараф қилиш ва улар фаолиятини тиклаш мақсадида туман ҳокимлиги, ДСИ, тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси ва мутасадди идоралар раҳбарлари субъектларга бириктирилди.

Ўтказилган профилактик ва назорат тадбирлари натижасида "Момо-хол плюс Мубина", "Азимбой Эшонқол саховати", "Рўзиёв Фозил омади", "Эверст мега стар", "Абдоржон Райимов замини" каби 25 та тадбиркорлик субъектларининг фаолияти қайта тикланди. Натижада 72 та янги иш ўрни яратилди.

Иқтисодий ҳимоятга ўзига хос ўрин эгаллаб бораётган хусусий сектор вакилларининг эркин фаолият олиб бориши учун қонуний асослар мавжуд. Ушбу механизм ҳаётга тўғри татбиқ этилса, тадбиркорлик ва кичик бизнес бундан-да ривожланиб, дунё бозорларига чиқишимиз, давлатимизнинг экспорт салҳиятини юксалтиришимиз, бу орқали эса халқимиз турмуш фаровонлигини янада оширишимиз мумкин бўлади.

Самарқанда шахрида ўқувчи-ёшларни диний экстремизм ва терроризм хавфидан ҳимоя қилиш, уларда турли бузғунчи мафқураларга қарши иммунитетни шакллантириш, бу борала ўқитувчи-мураббийларнинг масъулиятини янада ошириш масалаларига бағишланган "Тинчлик ва барқарорлик — олий нъмат" мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

## Огоҳлик — давр талаби

Эркин **ҲАЙИТОВ**,

Самарқанд вилоят прокурорининг ёрдамчиси

Унда умумтаълим мактаблари директорларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, фан ўқитувчилари, маҳаллаларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари иштирок этишди.

Йиғилишда таъкидландики, айни вақтда бутун инсониятни таҳликага солиб келаётган терроризм дин никоби остида асосан мустақил фикрга эга бўлмаган ёшларни осонгина ўзининг сафига оғдириб олмақда. Бугунги кунда гараз мақсадли турли оқимлар ҳар бир хонадонга кириб бораётган глобал алоқа воситаси бўлиши Интернет тармоғидан фойдаланиб, ёшлар онгини заҳарлашга уринаётганликлари муаммонинг нечоғлик мураккаблигидан далолатдир. Афсуски, дунёда қўллаб ёшлар ижтимоий тармоқ орқали ана шундай иллатлар таъсирига тушиб қолишмоқда. Шу боис, бугун ҳар бир таълим муассасасида ёшларни бундай оқимлардан ҳимоя қилиш учун

бола тарбиясига масъул ҳар бир тузилма ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш долзарб масала ҳисобланади.

Дарҳақиқат, ўқитувчи нафақат билим берувчи, балки тарбиячи, ўқувчиси учун яқин дўст ва сирдош бўлмоғи лозим. Негаки, замон тараққиёти билан ёшларнинг тарбияси ва дунёқарашига четдан бўлаётган таҳдидлар педагоглардан алоҳида эътибор ва эзқолик талаб қилмоқда. Биргина ижтимоий тармоқлар орқали тарғиб қилинаётган "оммавий маданият" ёшларга енгил-елли ҳаётга, бебошликка етакловчи энг қисқа йўл ҳисобланади. Ана шундай вазиятда ота-она ва педагогларнинг шахсий намуна кўрсатиши, ёшларга яхши ва ёмонни фарқлашни ўргата билиши муҳим аҳамият касб этади. Тадбирда масаланинг айни шу жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашувда диний-экстремистик оқимларнинг асл мақсади, уларнинг турига илган ҳамюртларимизнинг аянчли тақдири акс эттирилган ҳужжатли фильм намойиш этилди.

## Ноқонуний фаолият оқибати...

Бугун юртимизда тадбиркорлик ва ишбилармонлик билан шуғулланаётган фуқаролар имтиёз ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, жамиятга ўз ўринларини топиш билан бир қаторда иқтисодий ислохотлар жараёнида фаол иштирок этмоқда.

Шундай бўлса-да, ўз ишига виждонан ёндашиб, фаолият юритаётган тадбиркорлар орасида бундай ҳислатлардан йироқ бўлган, дарҳол бойиб кетиш режасини тузиб, истеъмолчилар орасида машҳур бўлган маҳсулотларни қалбакилаштирган ҳолда турли жойларда хуфийна ишлаб чиқаришни йўлга қўйган кимсалар ҳам учраб турибди.

Ана шундай "уддабурон"лардан бири бўлган Гулбеги Назирова (исм-фамилияси ўзгартирилган) муқаддам содир этган жинояти учун бир неча бор судланишига қарамай, яна жиноятга қўл урди.

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛКК департаментининг Мирзо Улугбек туман бўлими ҳодимлари томонидан ишлаб чиқа-

риш фаолияти билан шуғулланувчи корхона мурожаатига асосан ўтказилган текзор тадбирда пойтахтимиз хонадонларининг биринчи вақтинчалик яшаб келаётган Г.Назирова аширин цех ташкил қилиб, машҳур ёрликлар остида истеъмолчиларнинг соғлиғи талабларига жавоб бермайдиган ширинлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланиб келаётгани аниқланди.

Тадбир жараёнида яширин цехдан тайёр ва ярим тайёр қандолат маҳсулотлари, уларни тайёрлашда фойдаланиладиган хомашё ҳамда буюмлар ашёвий далил тарикасида олиб қўйилди. Давлат санитария-эпидемиология мар-

Анварбек **АКРАМОВ**,  
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛКК  
департаментининг катта инспектори

кази берган хулосага кўра, Г.Назированинг яширин цехидан олинган қандолат маҳсулотлари истеъмол учун яроқсиз экан.

Мазкур ҳолат юзасидан Г.Назировага нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суд томонидан қонуний жазо тайинланди.



# Қонун устуворлиги таъминланмоқда


Конституциямизнинг 35-моддасида ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга экани, улар қонунда белгиланган тартиб ва муддатларда кўриб чиқиши шартлиги белгилаб қўйилган. Конституциявий талабдан келиб чиқиб, вилоят прокуратураси органларида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда қонунийликни таъминлаш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Шу мақсадда давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларида, корхона, ташкилот ва муассасаларда мурожаатларга оид қонун ҳужжатларининг ижроси ўрганилиб, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланыпти.

Сурхондарё вилоят прокуратураси органлари томонидан маҳаллий давлат ва бошқаруви идоралари, корхона ва ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни ижроси текширилди. Жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш, мурожаатларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисоботини яритиш, мурожаатлар бўйича иш яритиш аҳоли ўрганилганда қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди. Хусусан, жойлардаги Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш марказлари томонидан қонуннинг 24-моддаси талаблари асосида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари, шунингдек, жамият ва давлат манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида мурожаатлар умумлаштирилмаган ва таҳлил қилиб борилмаган. Термиз ва Бойсун туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш марказларида эса қабул режа-жадваллари фуқароларнинг эътиборига етказилма-

ган, алоҳида қабул хонаси ташкил қилинмаган. Шунингдек, Бойсун ва Узунда 3 нафардан, Деновда 7 нафар фуқаронинг мурожаатлари қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилмаган ҳамда муаллифларга жавоб хати юборилмаган.

Ўқоридаги қонуннинг 19-моддасида ариза ва шикоятлар келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида, қўшимча ўрганиш ва текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқиши белгилаб қўйилган бўлса-да, деярли барча туманларнинг Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш марказлари томонидан ушбу қонун талаблари бажарилмаган. Жумладан, Денов туман маркази томонидан 2 та, Термиз шаҳар маркази томонидан 5 та мурожаат бўйича муаллифларга жавоб хатлари юборилмаган.

Бу каби қонунбузилишларга Ер ресурслари ва давлат кадастр хизмати бўлимида ҳам йўл қўйилганлиги аниқланди. Хусусан, айрим туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимида ўтган давр мобайнида жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилиш жадвали тузилмаган, оғзаки мурожаатларни қайд



этиш китоби юритилмаган.

Бойсун, Музработ, Қумқўрғон, Узун туманлари кадастр хизматлари томонидан эса 15 та мурожаат натижалари ҳақида муаллифларга маълум қилинмаган. Қумқўрғон туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимига мурожаат қилган фуқаро А.Раҳимқуловага 76 кун, фуқаро Р.Чориевнинг мурожаатига 38 кун ўтиб жавоб хатлари юборилган. Бундан ташқари, Қумқўрғон туманида 6 та, Узун туманида 3 та мурожаат кадастр хизматлари томонидан текшириш кўнига қадар рўйхатга олиш китобида қайд этилмаган ва текширилмаган. Узунда 19 та, Олтинсойда 6 та, Сарийосиёда 4 та мурожаат қонунда белгиланган муддат ўтиб кетган бўлса-да, кадастр хизмати томонидан текшириш ўтказилмасдан, ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Олтинсой туманида кадастр хизмати бошлиғи томонидан 11 та ариза тегишли ижроича топширилмасдан текшириш муддати бузилган.

Жойлардаги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан мазкур қонун ижроси юзасидан бир қатор ижобий ишлар амалга оширилганига қарамай, қонунбузилиши ҳолатларига ҳам йўл қўйилган. Жумладан, фуқаро У.Кенжаеванинг мурожаати 2015 йил 24 мартда, вилоят ИИБ бошлиғининг мурожаати 2015 йил 24 апрелда Сарийосиё туман ҳокимлигига келиб тушган бўлса-да, бош мутахассис У.Бобожо-

нов томонидан текшириш кўнига қадар ҳал қилинмаган. Бундан ташқари, Сарийосиё туман ҳокимлиги томонидан 6 та мурожаатни тегишлилигига кўра юборишда юқоридаги қонуннинг 18-моддаси талабига амал қилинмаган. Б.Эсонмуродовнинг мурожаати умуман жавобсиз қолдирилган, фуқаро С.Юсупованинг аризасига эса 2 ой-у 11 кун ўтганидан кейин жавоб берилган. Сарийосиё туман ҳокимининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси З.Эсонова томонидан фуқаро Р.Юлдошеванинг аризаси рўйхатга олинмаган ва текширилмаган.

Ангор туман статистика бўлими томонидан "Болтабой-Сурхон" фермер ҳўжалиги раҳбари А.Абдувоҳидов, "Мустарамов Карим" оилавий корхонаси бошлиғи К.Мустарамов, "Комил Норматов" МЧЖ раҳбари Н.Сафаров, "Эзоза Ангор" хусусий корхонаси раҳбари С.Усмонов, "Магистрал Термиз" хусусий корхонаси раҳбари Р.Имомалиев ҳамда фуқаролар Б.Тўхтаева ва Ю.Арзиевларнинг мурожаатлари тегишли тартибда рўйхатдан ўтказилмаган ва уларга жавоб хати берилмаган.

Шунингдек, Денов туман давлат санитария-эпидемиология марказида ўтказилган текширишда фуқаро Ш.Муротова, Ж.Даминов, М.Туроповларнинг мурожаатлари марказнинг мурожаатлари қайд этиш китобида санаси кўрсатилмаган ҳолда рўйхатга

Ўқтамжон АҚРАМОВ,  
Сурхондарё вилоят прокуратураси  
бўлим бошлиғи ўринбосари

олингани аниқланди. Мазкур мурожаат муаллифининг вазлари ўз тасдиғини топган бўлса-да, ҳуқуқбузарларга нисбатан тегишли чоралар кўрилмаган, ҳал этилган мурожаатлар тартибсиз ҳолатда сақланган.

Текширишлар давомида давлат бошқаруви, назорат-тектириув, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, маҳаллий ҳокимликлар ҳамда уларнинг кўйи тизимлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятда юқоридаги қонун ижросининг аҳоли ўрганилиб, мурожаатларни кўриб чиқишда қонунбузилишига йўл қўйилганлиги аниқланди, 96 нафар фуқаронинг ҳуқуқлари тикланди.

Мазкур режавий тадбир натижасига кўра, ноконуний ҳужжатларга нисбатан 14 та процент келтирилди, қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида жойларга 90 та тақдимнома киритилди. Прокурор тақдимномаси ва қарорларига кўра 36 нафар мансабдор шахс интизомий ҳамда 58 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди.

Прокуратура органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш самарадорлигини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини барча чоралар билан таъминлаш, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг мурожаатлар ўз вақтида ва ҳар томонлама кўриб чиқиши учун маъсулиятини янада ошириш ҳамда жавобгарлигини кучайтириш борасида назорат тадбирлари давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси томонидан йиғилиш ўтказилди.

## Доимий эътибордаги масала

Видеоконференция тарзида ўтказилган йиғилишда "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг ижроси юзасидан Сирдарё вилоятида назорат-таҳлил тартибда ўтказилган ўрганиш натижалари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ижтимоий ҳимоя соҳасига маъсул мутасаддилар иштирокида атрофлича муҳокама этилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида истиқлолнинг илк кўнларидан аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш кучайтириш, айниқса, алоҳида эҳтиёжли фуқароларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни аниқ, манзилли тарзда ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалаларига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидлашди.

Мамлакатимизда алоҳида эҳтиёжли фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг жамиятга интеграциялашувиغا кўмаклашиш, меҳнат бандлигини таъминлаш масалалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, бир қатор қонун ҳужжатлари билан кафолатланган. Соҳанинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида истиқлолнинг дастлабки йилларида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг янги тахрирда қабул қилинган бу борадаги ишлар қўлимини янада кенгайтирди.

Шунингдек, йиғилишда алоҳида эҳтиёжли 9-синф битирувчиларини таъминнинг кейинги босқичига қамраб олиш, уларга ўз қизиқиши ва лаёқати бўйича касб-ҳунар сирларини ўргатиш, корхона, ташкилот, муассасаларда улар учун махсус иш ўринлари яратиш, бандликни таъминлаш масалаларига ҳам эътибор қаратилаётганлиги таъкидланди.

## Дориломон кунлар оғушида



Янги ўқув йили бошлангандан сўнг мамлакатимиздаги барча таълим муассасаларида "Бетакорримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" шиори остида "Кеча ким эзигу бутун ким бўлик?" мавзусида Мустақиллик дарслари ва Маънавий соатлари юксак савияда ўтказилмоқда.

Педагог-мураббийлар, профессор-ўқитувчилар билан бирга давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, депутатлар, шоир ва ёзувчилар иштирокида ташкил этилаётган машғулотларда ёшларимиз қалбида ватанпарварлик, эл-юртга садоқат, буюк аجدодларимиздан гурурланиш, миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғусини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Хусусан, айни вақтда республикаимиздаги коллежларда бўлиб ўтаётган шу каби дарсларда истиқлол йилларида барча соҳаларда эришилган юксак марралар, Президентимизнинг ёш авлодни ҳеч кимдан кам бўлмай, соғлом ва

баркамол бўлиб вояга етказиш йўлида кўрсатилган чексиз меҳри ва ғамхўрлиги, халқимизнинг улуг аждодларимизнинг маънавий меросини асраб-авайлаш ҳамда уни жаҳонда кенг тарғиб этиш борасидаги интилишлари ҳақида сўз бораётди.

Жумладан, шундай тадбирлардан бири Тошкент педагогика коллежида бўлиб ўтди. Тадбирда ўқувчиларга Мустақиллик аталмиш буюк неъмат халқимиз учун миллий давлатчилигимиз, ўзлигимиз, инсоний ҳақ-ҳуқуқ ва кадр-қимматимизни тиклаш, урф-одат ва анъаналаримизни, буюк аждодларимизнинг табарруқ номларини улуғлаш, соғлом ва баркамол янги авлодни шакллантириш борасида беқўёс имкониятлар очиб бергани, эришилган ютуқ ва марраларимиз дунё ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилаётгани, юртимиздаги тинч-осуда ҳаёт, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва баркиренглик муҳитининг барқарорлиги ҳаётини мисоллар асосида тушунириб ўтилди.

Дарҳақиқат, юртимизда олиб борилаётган изчил ислохотлар, яратилган кенг имкониятлар ёшларни ҳеч кимдан кам бўлмаган, мустақил фикрли, юксак маънавиятли инсонлар этиб вояга етказишга хизмат қилаётди. Мана шундай тинч, озод ва обод юртда таҳсил олаётган ёшларимизга айни кунда қўллаб-қувватлаш ёшларининг ҳавас қилаётганликлари сир эмас.

Ўз мухбиримиз

# Халқаро ҳамкорлик кенгаймоқда

**Коррупция ижтимоий хавфли қилмиш сифатида жамият ва давлат тараққиётини ортга сурди ҳамда ижтимоий адолат тамойилларининг бузилишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида давлатлар хавфсизлигига таҳдид солади. 2003 йил 31 октябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенцияси қабул қилинганлиги мазкур иллатга қарши халқаро миқёсда кураш олиб бориш муҳимлигини адолат беради.**

Қайд этиш лозимки, коррупциянинг олдини олиш, унга қарши курашиш, бу каби жиноятларини содир этган шахсларни ушлаб бериш, тергов қилиш, жазо тайинлаш борасида ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини қиёсий ўрганиш ҳамда бу борада халқаро ҳамкорлик алоҳида аҳамият касб этади.

2015 йилнинг 10-21 август кунлари Малайзия пойтахти Куала Лумпур шаҳрида мазкур давлатнинг коррупцияга қарши Академияси томонидан ушбу иллатнинг олдини олиш ва унга қарши кураш борасида Малайзия тажрибасини ўрганишга бағишланган халқаро ўқув курслари бўлиб ўтди. Тадбир давомида коррупцияга қарши кураш борасида Малайзия қонунчилиги ва амалиётига оид машғулотлар ўтказилди.

Малайзияда коррупцияга қарши кураш бўйича бир қатор махсус қонунлар қабул қилинган. Бу каби жиноятлар учун Малайзиянинг Жазо кодексига турли жавобгарликлар белгиланган, жумладан, пора олганлик ёки пора берганлик учун 20 йилгача озодликдан маҳрум этиш ва пора миқдорининг беш баравари миқдорига жазима ёки 10 минг Малайзия рингитидан кам бўлмаган миқдорда жазима жазоси назарда тутилган.

Малайзиядаги яна бир муҳим қонунлардан бири "Малайзия коррупцияга қарши комиссияси тўғрисида"ги Қонунидир. Мазкур қонунда коррупцияга қарши курашишга оид тамойиллар, мақсад ва вазифалар, коррупцион жиноят турлари билан бир қаторда Малайзия коррупцияга қарши Комиссияси ваколатлари белгилаб берилган. Мазкур қонун

2009 йилнинг 1 январидан кучга кирган.

Малайзия коррупцияга қарши Комиссияси 2009 йил 1 январда Малайзия коррупцияга қарши Агентлиги ўрнида ташкил этилган бўлиб, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича мустақил орган ҳисобланади. Мазкур Комиссияда уч минг нафарга яқин ходим фаолият юрताди.

Комиссиянинг коррупция билан боғлиқ жиноятларни тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш орқали аниқлаш ваколати мавжуд бўлиб, аниқланган коррупция жиноятларини тергов қилади. Малайзия қонунчилигига кўра, тергов мuddати чегараланмаган. Шу билан бир қаторда, Комиссия коррупция ҳолатлари юз бериши мумкин бўлган соҳалардаги сабабларни аниқлайди ва бартаф этиш йўллари бўйича таклифлар беради.

Қайд этиш лозимки, Комиссия фаолиятида жиноятчиликка қарши курашишга нисбатан унинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилган.

Жумладан, Малайзия коррупцияга қарши Комиссияси

жамоатчилик орасида ушбу иллатга қарши тарғиботни амалга ошириш билан бир қаторда, жамоатчиликни унга қарши курашишга жалб этади. Коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқув семинарлари, машғулотлар ва турли тадбирлар ташкил этади ҳамда амалга оширилган ишлар юзасидан жамоатчиликни хабардор қилади.

Мазкур тадбирларни амалга оширишга Комиссиянинг 200 га яқин махсус ходими жалб этилади. Ходимларнинг асосий вазифаси коррупцияга қарши курашиш бўйича жамоатчилик таълими билан шуғулланиш ҳисобланади. Коррупция ҳолатлари юз берганлиги ҳақидаги хабарлар Малайзия коррупцияга қарши Комиссиясига ёзма ёки электрон шаклда берилиши мумкин. Аризаларни электрон шаклда тақдим этиш кенг йўлга қўйилган бўлиб, Комиссиянинг расмий сайти, ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларига юборилиши мумкин. Коррупцияга оид аноним аризалар ҳам қўриб чиқиши машғулотлар давомида қайд этилди.

Коррупциянинг олдини олиш ишлари таълим жараё-

**Хуришд КАРИМОВ,**  
Бош прокуратуранинг  
ОУК кафедра бошлиғи  
вазифасини бажарувчи

нида ҳам олиб борилиб, мактабларда унга қарши курашиш бўйича тўғараклар тузилган, олий ўқув юртларида эса коррупцияга қарши кураш бўйича университет котибиятлари ташкил этилган. Мазкур тўғараклар ўқувчи ва талабаларга ёшлик вақтидаёқ коррупциянинг хавфли иллат эканлигини тушунтириш ва унга нисбатан салбий муносабатни шакллантириш мақсадида ташкил этилганлиги таъкидланди.

Қайд этиш лозимки, ўқув машғулотлари жараёнида коррупцияга қарши кураш бўйича Малайзия тажрибасини ўрганиш билан бир қаторда, Ўзбекистонда ушбу иллатнинг олдини олишда амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида ҳам тингловчиларга маълумотлар берилди.

Ўқув машғулотларининг якунида барча иштирокчиларга халқаро ўқув курсларини муваффақиятли тасмоллаганлик ҳақидаги сертификатлар топширилди.

# Таълим соҳасидаги ғамхўрлик

**Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришиб, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг ўзига хос йўлини танаши барча соҳаларда бўлгани сингари таълим соҳасида ҳам туб ислохотларни амалга оширишни тақозо этади. Ана шу мақсадда Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ҳамда мазкур қонун қондалари ва талаблари асосида ишлаб чиқилган Қазлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилиши жуذا катта аҳамият касб этади.**

Конституциямизнинг 41-моддасида ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга эканлиги, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланиши белгилаб қўйилган. Давлатимизнинг таълим соҳасидаги сиёсати республикамиз ҳудудида яшаётган ҳар бир кишининг энг асосий конституциявий ҳуқуқларидан бири — замонавий билим олиши учун кенг имкониятлар яратишга қаратилган. Мамлакатимизда таълим тизими изчил ва улусқисадир. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонунида кўрсатилганидек, мазкур тизим кўйидаги таълим турларидан иборат:

мактабгача таълим;  
умумий ўрта таълим;  
ўрта махсус, касб-хунар таълими;  
олий таълим;  
олий ўқув юртидан кейинги таълим;  
кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;  
мактабдан ташқари таълим.  
Улусқис таълим нафақат ҳар томонлама баркамол, чуқур билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, янгила ва тўри фикрлайдиган авлоднинг воёга етказиш, балки малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг ҳам асосидир. Зеро, Ўзбекистоннинг келажаги юксак салохияти, рақобат майдонида дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган ёшларга боғлиқ.

Мамлакатимизда 12 (9+3) йиллик мажбурий таълим тизимига ўтилиши мазкур соҳада амалга оширилган ислохотларнинг энг муҳим таркибий қисмидир. Маълумки, умумий ўрта таълим 1-9 синфларда олинмаган таянч билимлар ва тарбиядан иборат. "Таълим тўғрисида"ги Қонунда таъкидланганидек, умумий ўрта таълим би-

лимларнинг зарур ҳажмини беради, мустақил фикрлаш, ташкилотчилик қобилияти ва амалий тажриба кўникмаларини ривожлантиради, дастлабки тарзда касбга йўналтиришга ва таълимнинг навбатдаги босқичини танлашга ёрдам беради.

Мажбурий таълим тизимининг кейинги босқичи академик лицей ва касб-хунар коллежларида уч йил мобайнида эгалланмаган ўрта махсус, касб-хунар таълимидир. Академик лицейлар ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини жадал ўстиришни, уларнинг чуқур, табақалаштирилган билим олишларини таъминлайдиган ўрта махсус таълим муассасалари ҳисоблана, касб-хунар коллежлари ёшларнинг касб-хунарга мойиллиги, маҳорат ва малакасини чуқур ривожлантиришни, танланган касблар бўйича бир ёки бир неча ихтисос олишни таъминлайдиган ўрта касб-хунар ўқув юртларидир. Ёшларнинг камолотга эришувидан мазкур таълим муассасаларининг аҳамияти жуذا катта. Шу боис кейинги йилларда ўқувчиларнинг мажбурий ўрта махсус, касб-хунар таълими олишини таъминлаш учун ота-оналар, мактаблар, академик лицей ва коллежлар раҳбарларининг масъулиятини янада оширишга қаратилган қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган бехиз эмас.

Вилоят прокуратураси органлари вилоят ҳокимлиги ҳузуридида воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, вилоят халқ таълими, вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари билан ҳамкорликда 2015/2016 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасаларига тўлиқ қамраб

олиш, уларнинг 12 йиллик мажбурий таълим олишини таъминлаш бўйича муайян ишларни амалга оширмоқда. Бунда асосий эътибор Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 июндаги "Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида ўқитиш билан қамраб олишни таъминлаш бўйича норматив ҳуқуқий базани янада тақомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори билан тасдиқланган Низом ҳамда 2015 йил 3 июндаги "2015/2016 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги Қарори ижросини тўлиқ таъминлашга қаратилмоқда.

Вилоят прокуратураси органлари таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари, "Камолот" ЁИХ, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлимлари, хотин-қизлар қўмиталари, ИИБ вакиллари билан ота-оналар ва 9-синф битирувчилари ўртасида воёга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратилган қонунчиликнинг мазмун-моҳиятини кенг тушунтириш чораларини кўрмоқда. Бу борада жойларда 157 марта тарғибот-ташвиқот тадбирлари ташкил этилди.

Шунингдек, ота-оналар ва мактаблар маъмуриятига 2015 йилнинг 30 июнига қадар 9-синф битирувчиларининг ҳужжатларини улар ўзлари танлаган академик лицей ёки касб-хунар коллежга топширишни юқори савияда ташкил этиш, ҳужжатлар йиғма жилдларини ўқувчи ёки уларнинг ота-оналарига бериб юборишга йўл қўймаслик ҳусусида ўз вақтида кўрсатмалар берилди. Вилоятдаги умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқитиш билан тўлиқ қамраб олиш бўйича вилоят халқ таълими ва ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари раҳбарларининг қўшма буйруғи қабул қили-

**Дилфуза ҚўЧҚОРОВА,**  
Қашқадарё вилоят прокуратурининг  
катта ёрдамчиси

ниб, бу борада тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Шаҳар ва туман ҳокимликлари масъуллигида вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси тасарруфидида таълим муассасаларида "Очиқ эшиклар куни" ўтказилиб, 9-синф битирувчиларига мазкур таълим муассасаларининг моддий-техника базаси, ўргатиладиган мутахассисликлар, таълим-тарбия жараёни ва тизимнинг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида тушунчалар берилди. Вилоят ҳудудидаги жами 137 та касб-хунар коллежи ва 7 та академик лицейда қабул бўйича маслаҳат марказлари ташкил этилди.

Жорий йилда вилоятимиздаги 1121 та умумий ўрта таълим мактабнинг 9-синфини жами 51929 нафар, шу жумладан, 26633 нафар ўғил, 25296 нафар қиз тамомлаб, улар таълимнинг кейинги босқичига жалб этилди. Дастлабки таҳлил натижаларига қараганда, жами битирувчиларнинг 1852 нафари ёки 3,5 фоизи вилоят ҳудудидаги академик лицейларга, қолгани эса коллежларга қабул қилиниб, бу ҳақдаги ҳужжатлар расмийлаштирилган.

Айни пайтда касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш бўйича ҳам чора-тадбирлар кўрилмоқда. Бу йил вилоятимизда 1860 нафар ёш академик лицейларни, 46543 нафар йигит-қиз эса касб-хунар коллежларини тамомлади. Ҳозирги кунда битирувчилардан 44446 нафарининг бандлиги таъминланган.

Мана, янги — 2015/2016 ўқув йили ҳам бошланди. Академик лицей ва касб-хунар коллежлари бағри билан вилоят эгаллашга чанқоқ ёшлар билан тўлиқ. Уларга давлат таълим стандартлари асосида чуқур билим бериш ва касб-хунар ўргатиш бош мезондир.

# Эзгу мақсадларга хизмат қилади

**Мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, янгилаш жараёнлари ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб, бу бораларга қонунчилик базаси изчиллик билан такомиллаштирилмоқда.**

лари белгилаб қўйилди. Унга кўра, озодлиқни чеклаш воғга етмаган маҳкумларга нисбатан асосий жазо чораси сифатида олти ойдан икки йилгача муддатга тайинланади.

бошқа орган томонидан амалга оширилади. Мазкур жазо муддати маҳкум жазоларни ижро этиш инспекцияларида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисобланади. Маҳкум узрли сабабларсиз ўзбошимчалик билан яшаш жойида бўлмаган вақти озодлиқни чеклаш муддатига қўшиб ҳисобланмайди.

Озодлиқни чеклаш тарикасидаги жазога ҳукм қилинган шахс суд томонидан белгиланган тақиқларга (чеклашларга) риоя этиши, шунингдек ўзининг жазони ўташи билан боғлиқ масалалар бўйича оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар бечир ўчун қақирув бўлишига жазоларни ижро этиш инспекциясига келиши шарт.

Озодлиқни чеклаш тарикасидаги жазога ҳукм қилинган шахсга нисбатан электрон кузатув воситалари қўлланилиши мумкин.

Муайян вақтда яшаш жойидан кетишга, тегишли маъмурий ҳудуд доирасида жойлашган маълум жойларга боришга ёхуд тегишли маъмурий ҳудуд доирасидан чиқиш учун рухсатнома, шунингдек яшаш жойини ўзгартириш учун рухсатнома жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан берилмади.

Уй-жойидан чиқиб кетишга бўғунлай тақиқ белгиланган маҳкумнинг доимий яшаш жойидан кетиши учун рухсатномага, маҳкумнинг тегишли маъмурий ҳудуд доирасидан чиқиши учун рухсатномага,

**Комил АЛИХОДЖАЕВ,**  
Фарғона транспорт  
прокурорининг ёрдамчиси

шунингдек маҳкумнинг яшаш жойини ўзгартириши учун рухсатномага прокурор томонидан санкция берилди.

Агар озодлиқни чеклаш тарикасидаги жазога ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган, етказилган моддий ва маънавий зарарининг ўрнини қоплаган бўлса, жазоларни ижро этиш инспекцияси илгари маҳкумга белгиланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиш тўғрисида судга такдимнома киритади.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимиз ривожининг хозирги босқичида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосий мақсади ҳуқуқий тизимни такомиллаштириш, унинг ўзгариб бораётган ижтимоий-иқтисодий муносабатларга мувофиқлигини таъминлашда ҳамда пировардида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишнинг муносиб ва самарали механизмини яратилган иборатдир. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов таъбири билан айтганда, ислохотлар ислохотлар учун эмас, балки аввало, инсон ва унинг манфаатларига хизмат қилиш учун амалга оширилмоқда.

Ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилаётган ушбу даврда жиноий жазо чоралари ва жиноят содир қилишда айбдор бўлган шахсларга нисбатан жазо тайинлаш масалалари давр талабидан келиб чиққан ҳолда ҳал этилмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, 2015 йил 10 августдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунига кўра, Жиноят кодексининг 43-моддасида белгиланган жазо тизимига озодлиқни чеклаш тарзидаги жазо тури киритилди. Жиноят кодексининг 48-1-моддасида озодлиқни чеклаш жиноий жазосининг мақсади, моҳияти, муддати ва ўзига хос хусусиятлари белгилаб қўйилди. Унга кўра, озодлиқни чеклаш суд томонидан маҳкумга нисбатан яшаш жойини ўзгариб бериш билан тарқ этишни бутунлай тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқиши чеклашдан иборат.

Озодлиқни чеклаш олти ойдан беш йилгача муддатга тайинланади ҳамда суд томонидан белгиланадиган орган-

лар назорати остида ўталади.

Қўлланилаётган тақиқнинг (чеклашнинг) хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, суд маҳкумнинг зиммасига қўйидаги қўшимча тақиқларни (чеклашларни) юклаши мумкин: муайян жойларга бормаслик; оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишда иштирок этмаслик; муайян фаолият билан шуғулланмаслик; муайян буюмларга эга бўлмаслик ёки уларни ўзида сақлашмаслик; транспорт воситасини бошқармаслик; маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини, иш ва (ёки) ўқиб жойини ўзгартирмаслик, тегишли маъмурий ҳудуддан ташқарига чиқмаслик; муайян шахслар билан алоқа ўрнатмаслик; алоқа воситаларидан, шу жумладан Интернетдан фойдаланмаслик; алкоголь ичимликлар истеъмол қилмаслик.

Шунингдек, Жиноят кодексига янги киритилган 84-1-моддада ушбу жазо турининг воғга етмаган шахсларга нисбатан қўлланилишининг ҳуқуқий асос-



Озодлиқни чеклаш тарзидаги жиноий жазонинг ижро этилишининг ҳуқуқий асослари Жиноят-ижроия кодексига киритилган қўшимчалар орқали мустақамлаб қўйилди. Унга кўра, озодлиқни чеклаш тарикасидаги жазони ижро этиш маҳкумнинг яшаш жойидаги ички ишлар органларининг жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан ёки суд белгилайдиган, маҳкумларнинг суд белгиланган тақиқларга (чеклашларга) риоя этиши устидан назоратни амалга оширадиган

# Хусусий тадбиркорлик истиқболлари

**Мамлакатимизда иқтисодийни либераллаштириш, бошқарувнинг бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқ ва говларни бартараф этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.**

Юртимизда хусусий мулкни ривожлантириш, ишбилармонлик муҳити ва бизнес юритиш шароитларини янада яхшилашга қаратилган қонунлар қабул қилинди. Уларнинг амалиётга татбиқ этилиши натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бүгунги кунда 56 фоизга етди, иш билан банд аҳолининг 77 фоизи ушбу соҳада меҳнат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, соҳа тараққиётига тўсиқлик қилаётган барча турдаги чекловларга барҳам бериш, хусусий мулкнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини изчил ошириш учун янада қулай, иқтисодий, ҳуқуқий шароит ва рағбатлар яратилиши имкониятини берди.

Фармонга кўра, хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш, тўсиқларни бартараф этишнинг тўртта асосий йўналиши бўйича жорий йилда амалга оширилаётган аниқ чора-

тадбирларни кўзда тутувчи комплекс Дастур тасдиқланди.

2015 йилнинг 1 июлидан бошлаб микрофирмалар ва фермер ҳўжаликлари фаолиятига оид барча режали текширишлар режали тартибда назорат органлари томонидан тўрт йилда бир мартадан, бошқа ҳўжалик субъектларида эса фақат Ўзбекистон Республикаси Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши қарорига асосан уч йилда бир мартадан кўп бўлмаган тартибда амалга ошириладиган бўлди.



Бунда молия-ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширувлар ўтказиш 10 кундан ошмайди ва тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятини режали текширишлар фақат сўнгги текширувдан кейинги даврни қамраб олади. Чора-тадбирлар дастурида хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш тартибини янада соддалаштириш, маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш ҳисобидан тадбиркорликка янада кенг эркинликлар яратишга алоҳида эътибор қаратилган.

Агар тадбиркор солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товланган жиноятини илк маротаба содир этган бўлса, жиноят аниқланган кундан бошлаб 30 кун давомида дав-

латга етказилган зарарни тўлиқ қоплаган, пеня ва бошқа молиявий жарима турларини тўлаган бўлса, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилмаслиги, ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан сохта банкротлик ва банкротликни яшириш орқали етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганда шахс жавобгарликдан озод этилишини назарда тутувчи тартиб жорий этилмоқда.

Шунингдек, хусусий тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилишда суд органлари ролини кучайтиришга ҳам эътибор қаратилган. Тадбиркорлик

субъектлари солиқ ва боҳжона қонунчилигини бузса, уларнинг мулкни мусодара қилиш, тўловчи томонидан эътироз бўлса, қўшимча ҳисобланган боҳжона тўловларини ундириш фақат суд қарори билан амалга оширилади. Барча турдаги рўйхатга олиш ва рухсат бериш тартиб-қоидалари соддалаштирилиб, турли давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятлари ҳам яратилди. Давлат хизматларидан фойдаланишда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, очиклик ва шаффоқлиқни таъминлаш, аризачиларнинг хизмат кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилувчи мансабдор шахслар билан бевосита алоқасини истисно қилиш мақсадида туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузурдаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш

**Нуриддин ЯХЯЕВ,**  
СВОЖДЛҚК департаментининг Наманган  
вилоят бошқармаси катта инспектори

инспекциялари негизда "бир дарча" тамойили асосида тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги, Олий суд манфаатдор тузилмалар билан биргаликда тадбиркорлик фаолиятига



тўсиқлик қилгани ва ноконуний аралашгани учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар манфаатдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқадиغان бўлди.

Тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган бинолар ва ишоотларни шу мулкнинг бозор қийматини қопламасдан туриб бузиб ташлагани учун маъмурий жавобгарлик ҳам жорий этилди.

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ноконуний ҳаракатлари ёки уларнинг мансабдор шахслари томонидан тадбиркорлик субъектларига етказилган зарар, шунингдек, бой берилган фойдани тўлиқ қоплаш механизми амалиётга татбиқ этилмоқда.

Ҳаммаси ўша кундан бошланди. Одамлар шунақа, бошига тавшиш туша, кимгадир айтиб, дардини енгиллатгани келади. Элдор (исм-фамилиялар ўзгартirilган) ҳам ўша кунни кўчала синфлаш ўртоғи Ҳамидни кўради-ю, тавшишлари ёнига тушди. Ишдан бўшатиладиганига бир ойдан ошган бўлса-да, ҳали ҳам у ердан кўнгли узолмагани боис, янги иш ҳам қидириб кўргани йўқ эди. Энди у фуқаролик суанга ариза ёзмақчи эканлигини аўстига айтди.

## Алдов касри

Воҳиджон ТОШПҲЛАТОВ,  
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Навоий вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи

Элдорнинг дардини эшитган ўртоғи ҳаммаси яхши бўлишини тавқидлаб, уни ишонтиришга уринди. Ахир бу дунёда чорасиз нарсанинг ўзи йўқ. Ҳамма нарсанинг илоҳини топса бўлади. Тўсатдан Ҳамиднинг ёдига Иброҳим исми таниши тушди. Агар Элдорнинг дардини эшитиб кўрса, балки бирор чорасини топар...

Хуллас, Ҳамид дўсти Элдорга Навоий эркин иқтисодий индустриал зонада "Полипропилен кувурлар" шўъба корхонаси ҳуқуқшуноси Иброҳим Файзиевнинг телефон рақамини берди. Элдор ўзига наҳот йўлини топгандек бўлди. Шу заҳоти И.Файзиевга кўнғирок қилди. Ҳамид адвокат деб таништирган Иброҳим унинг назарида ишини битказиб берадигандай туюлди.

Эртаси кўниёқ Элдор Иброҳимга ишдан бўшатиладиганига тўғрисидаги буйруқ ва бошқа тегишли ҳужжатларни етказди. Мақсади ишдан ноҳақ бўшатиладигани сабабли вилоят адлия бошқармаси ва фуқаролик судига ишга қайта тиклаш, маънавий ва моддий зарарини ундириш учун ариза ёздириб олиш эди. Иброҳим ҳужжатлар билан танишгач, эртасигаёқ ариза ёзиб қўйиб шарти билан хайрлашди. Иши осон битаётганидан хурсанд бўлган Элдор аризани фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судига топширди. Йўл-йўриқ ўргата бошлаган Иброҳим ишни қайси судья кўришини аниқлаб, унга айтиши кераклигини тушунтирди. Тўрт-беш кунлаб фуқаролик суди идорасига кўнғирок қилавериш ҳам бирор нарсани билмаган Иброҳим Э.Баёновга унинг ишини Зафар Ҳимматов исмли судья кўраётганлигини, энди суд вақтига ҳамма ишларни ҳал қилиш кераклигини айтади. Бу орада суднинг ҳам бир неча кундан кейин бўлиши аниқ бўлади. Энди Иброҳим томонидан Элдорнинг бўйнига яқин орада беш юз минг сўм топиш мажбурияти юкланди. Бироқ унда бунча пул йўқ эди. Иброҳим эса "текинга мушук ҳам офтобга чикмаслиги"ни, ҳеч бўлмаганда, бир марталик зиёфатсиз ишининг битиши амримаҳол эканлигини унга тушунтиради. Лекин Элдор қарз-ҳавола қилиб, пул топишни истамайди. Собиқ ишонмасидан масъул шахсларнинг етиб келмаганлиги боис суд мажлиси ҳам қолдирилди.

Элдор шундан сўнггина бу ишда судья ҳеч кимга ён босмаётганлигини, ҳаммаси қонуний ҳал этилаётганини, И.Файзиев эса адвокат сифатида унинг номидан бирорта ҳам қонуний ҳаракат қилмаётганлигини, ҳаммаси фақат сохта алдовлар эканлигини тушунди ва керакли жойга ариза билан муурожаат қилиб, бўлган воқеаларни батафсил тушунтирди. Шундай қилиб, шу йилнинг февраль ойида фуқаро Иброҳим Файзиев Элдор Баёновдан беш юз минг сўм миқдордаги пулларни фибрибарлик йўли билан олаётганда икки нафар хонлислар иштирокида СВОЖЖДЛҚК департаментининг Навоий вилоят бошқармаси ходимлари томонидан жиноят кўлга олинди.

Суд ҳукмига биноан сохта адвокат Иброҳим Файзиев энг кам иш ҳақининг олтинчи беш баравари миқдорда жарима тўлашга ҳукм этилди.

Табдиркорликка қўл уришдан олдин унинг қонун-қоидаларини тўлиқ ўрганиш лозим. Акс ҳолда киши билиб-билимай жиноятга қўл уриши мумкин. Бунни қўйиладиги воқеа мисолида кўришимиз мумкин.

Нақд пулларнинг банкдан ташқари ноқонуний айланмасини аниқлаш, нақд пул муомаласига эга бўлган ҳўжалик юритувчи субъектларда нақд пул маблағлари айланишининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартиби бузилишини, ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида ноқонуний товар айланмаси, ҳисобга олинмаган маҳсулотларнинг сотуви орқали маблағларни нақд пулга айлантириш, уларнинг механизми ва каналларини аниқлаш борасида мавжуд бўлган тезкор маълумотларга асосан тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

## «Пайнет» ниқоби остида

Чунончи, СВОЖЖДЛҚК департаментининг Шеробод туман бўлими ходимлари томонидан яқка тартибдаги табдиркор И.Нортўраевнинг (исм-фамилияси ўзгартirilган) фаолияти ўрганилганда, у «Пайнет» шохбасида пластик карточка терминалидан алоқа хизмати учун тўлов мақсадида ноқонуний фойдаланиб, 2013-2014 йилларда жисмоний шахсларнинг маблағларини нақдлаштириб берганлиги аниқланди. Шунингдек, И.Нортўраев ямиқ 73 млн. 300 минг сўм пулларни назорат-касса машинасида ўтказмасдан ва банкка топширмасдан, хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиб келганлиги ҳам маълум бўлди.

Мазкур ҳолатлар юзасидан ҳуқуқбу-

Райим ҲАЙДАРОВ,  
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Шеробод туман бўлими бошлиғи

зарга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши кўзга тилиб, суд томонидан жазо муқаррарлиги таъминланган.

Бугун "эркин фаолият юритаман, манфаат кўраман", деган табдиркор учун керакли барча шарт-шароитлар муҳайё. Бунинг учун улардан қонунга оғишмай рияз қилишгина талаб этилади, холос. Акс ҳолда ҳар бир но-жўя хатти-ҳаракат табдиркорга панд бериб қўйиши тайин.

## «Ижара»га олинган билим

Шохрух СОЛИЕВ,  
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Жиззах шаҳар бўлими катта инспектори

"Қаловини топсанг қор ҳам ёнади" деган гапга амал қилиб, қонунларни четлаб ўтишга ҳаракат қилганлар бир кун келиб пушаймон бўладилар. Шундан келиб чиқмаган бўлса, айрим улдабурон ёшлар ўзига, билимига ишонмаганидан ўзгаларнинг билимини "ижара"га олиб туришгача бормоқда.

"Ўқишга кириб, талаба бўлсам, у ёғини бир амалларман. Фақат тест синовидан ўтсам бўлди", дея бировнинг билимига ишонганлардан келажакда қандай касб эгаси етишиб чиқшини тасаввур қилиш қийин эмас.

Асли қўқонлик Сарвар Эргашев ҳам ана шундай хом ўйланганлардан бири экан. Тошкент Давлат педагогика университетининг математика факультетида тахсил олувчи Илҳом Курбонов билан танишиб қолган Сарвар суҳбатдошининг талаба эканлигига ҳавас қилди.

— Насиб қилса, бу йил Жиззах политехника институтига ҳужжат топшираман, — деди у.

— Яхши-ку! Агар ҳаракат қилсангиз, ўқишга кириб кетасиз, — деди уни қизиқтириб Илҳом ҳам.

— Сиз ўз билимингиз билан кирганмисиз?

— Ҳа-да! Бюджетда ўқийман. Олдинги ўринларда кирганман, ахир, — деди Илҳом.

— Унда менга ёрдам қилинг. Ўзимга, аникроғи билимимга ишонмайман. Ўқишга кириб кетсам, сизни албатта рози қиламан.

Хуллас, Сарвар Илҳомни кўндирди. Шу жойда Илҳом янглиши. У нафсининг гапига қўлоқ тутди. Ахир тарозининг иккинчи палласида моддий манфаат турган эди-да!

Улар Сарварнинг номидаги ҳужжатларга Илҳомнинг сурагини ёпиштириб, ими-жимиди қабул комиссиясига топшириб юборишди. Уларнинг хуфиёна режасини ҳеч ким сезмай қолди. Белгиланган кун Илҳом Курбонов Давлат тест маркази томонидан абитуриентларга тақдим қилинган тест саволларини ечиб, кириш балини тўплаб берди.

Ва наҳоят тест натижалари эълон қилинди. Имтиҳонга қатнашмаган Сарвар бир "юмалар" талабга айланди. Ҳеч нима бўлмагандек, дарсларга қатнай бошлади. Улар "ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолади", деб ўйлашган эди.

Бироқ, орадан икки йил ўтиб, барчаси ойдинлашди. Тегишли тартибда жазога тортилган Сарвар Эргашев ва Илҳом Курбоновлар ўқишдан четлатилди.

Азиз ёшлар, бу каби қинғирликка ундовчилар ҳар қадамда топилади. Бировларнинг гапига кириб, бугун қонунни четлаб ўтганингиз билан эртага узоққа боролмаслигингиз аниқ.

## Хулоса чиқармаган экан

Туман халқ таълими муассасалари фаолиятини метолик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли 2-сон болалар ва ўсмирлар спорт мактабида бош ҳисобчи вазифасида ишлаган М.Ҳайдаралиевнинг зиммасидаги масъулият ундан ўз ишини қонун доирасида олиб боришни талаб этарми.

Лекин у фаолияти давомида жиноий хатти-ҳаракатга йўл қўйгани учун 2013 йилда туман суди томонидан муайян ҳуқуқлардан маҳрум қилинган ҳолда, ахлоқ тузатиш ишлари жазосига тортилган эди. Шунингдек, спорт мактабининг собиқ директори Х.Абдурайимовга ҳам туман судининг ҳукми билан шундай жазо тайинланган эди.

Собиқ бош ҳисобчи ва собиқ директорга нисбатан амнистия акти қўлланилган бўлса-да, улар бундан тегишли хулоса чиқармадилар. Аксинча, "Урганган кўнгли, ўртанса қўймас"

қабилда иш тутиб, жиноий ишларини давом эттиришди.

Спорт мактабига 2012 йил 21 декабрь кунидан М.Ҳайдаралиевнинг турмуш ўртоғи бош ҳисобчи сифатида расмийлаштирилган бўлиб, аслида барча бухгалтерия ишларини унинг ўзи юритарди. Ойлик иш ҳақи ведомостларида бош ҳисобчи сифатида Ф.Ҳайдаралиевани, банкка тақдим этилган рўйхатларда эса бош ҳисобчи сифатида ўзини кўрсатиб, ҳужжатларга сохта маълумотлар киритишга одатланди. Жумладан, М.Ҳайдаралиев 2013 йил январь ойдан 2014 йил июль ойига қадар 37 млн. 898 минг

Бизга маълумки, банк кредитлари фойдали мақсадлар, масалан, бирор табдиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун берилади. Бироқ кредит берилагач, ўз ўрнида, мақсадли сарфлангандагина қўзланган натижага эришилади. Кредитни мақсадсиз сарфлаш ёки бошқа қинғир йўллар билан талон-торож қилишнинг эса оқибати яхшилик билан тугамайди.

## Гаровдан гаровга ёхуд банкдаги ўйинлар

Элбек АҲМЕДОВ,  
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Шаҳрисабз туман бўлими инспектори

Китоб туманидаги "Фарангиз дурдонаси" хусусий фирмаси ОАТБ "Микрокредитбанк"нинг Китоб филиалидан 2012 йил март ойида 24 ойлик муддатга 24 миллион сўм кредит олишга муваффақ бўлди. Кредит таъминоти сифатида эса фуқаро Салима Собировага тегишли "Nexia" русумли автомашина гаровга қўйилди.

Фирма раҳбарияти кредитни муддатига қайтармаган бўлса-да, гаровга қўйилган машинани бошқа фирманинг кредит олиши учун ҳам гаровга қўйишига тўғри келади. Қонунан олганда, бунинг илоҳи йўқ эди. Шунда фирма раҳбариятининг жонига банк мутасаддилари оро қиради. Улар гўё фирма банк кредитини "тўлиқ қопланганлиги" хусусида сохта маълумотнома тайёрлаб, машинани гаровдан чиқаришади. Машина энди Шаҳрисабз туманидаги "Воҳа гавҳари" хусусий фирмасининг кредит олиши учун ОАТБ "Микрокредитбанк"нинг Шаҳрисабз филиалига гаровга қўйилди. Лекин бу ўйин узоққа чўзилмади. Текширишлар жараёнида банк ходимларининг сохтакорликлари фош этилди.

Ушбу қонунбузилиши ҳолати юзасидан ўтказилган тергов ҳамда суриштирув жараёнида банк ходимларининг яна бир жинояти ошкор бўлди. Яъни ОАТБ "Микрокредитбанк"нинг Шаҳрисабз филиали мансабдор шахслари "Озодлик ҳайкали" хусусий фирмаси билан тузилган шартномага қўра, 30 миллион сўм миқдордаги кредит маблағини сохта тўлов ҳужжатларига асосан тумандаги "Абдуҳамид Махмадсупович" фермер ҳўжалигининг ҳисоб-рақамига ўтказиб, ўзлаштириб юборишгани маълум бўлди.

Ушбу ҳолатлар юзасидан жиноят иши кўзга тилиб, суд ҳукми билан айбдорлар тегишли жазога тортилдилар.

Зиёдбек ЖўРАБОВ,  
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Пахтаобод туман бўлими инспектори

сўм бюджет маблағини шахсий пластик карточкасига ўтказиб, ўзлаштириб юборди.

М.Ҳайдаралиев шунингдек, спорт мактабиди ҳеч қандай вазифада ишламаган М.Уринбоевага туманда қурилатган намунавий уй-жойлар кредити учун 2013 йилнинг январь ойида 600 минг сўм, 2013 йил июль ойида 400 минг сўм, 2013 йил 9 декабрь кунини эса тумандаги "Один" адвокатлик фирмасига 600 минг сўмни асоссиз равишда ўтказиб берди.

Суд ҳукми билан М.Ҳайдаралиев ва М.Абдурайимовга нисбатан тегишли жазо чоралари белгиланди.

# Тадбиркорлар манфаатини кўзлаб...

Барчамизга маълумки, истиқлолга эришганимиздан кейин юртимизда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуслари билан тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунлар, фармонлар ва қарорлар қабул қилиниб, тадбиркорликни ривожлантиришнинг жаҳон стандартларига мос ҳуқуқий асослари яратилди.

Жумладан, давлат мулкчини ўзгартиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниши билан мулкка бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг томонидан "Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида"ги ва "Ҳўжалик йортувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида"ги Фармонлар ҳамда "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши билан турли текширишлар йилдан-йилга камайиб, уларнинг режа асосида белгиланган муддатларда ўтказилиши тадбиркорларга эркин фаолият олиб бориш имконини берди.

Шунинг баробарида, халқимизнинг ишбилармонлик сифатида эга бўлган вакилларни ўзларига берилган имтиёз ва имкониятлардан самарали фойдаланиб, кичик бизнеснинг даромад келтирувчи соҳа эканлигини амалда исботладилар. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бугун тадбиркорлар нафақат иқтисодий ислохотлар жараёнида, балки мамлакатимизнинг сийёсий ҳаётида ҳам фолан иштирок этмоқдалар.

Шу ўринда жорий йил 21 август кунини маъбулотда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкчи, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги

нинг қарорига биноан ўтказилиши мумкинлиги, янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектлари ва фермер ҳўжаликларининг молия-ҳўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки уч йил мобайнида режали текширувлардан ўтказилмаслиги ҳам қайд этилган.

Бундан ташқари, акциз тўланадиган товарлар ишлаб чиқарувчи янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектлари ва фермер ҳўжаликларининг молия-ҳўжалик фаолияти, шунингдек кичик тадбиркорлик субъектлари ва фермер ҳўжаликларининг бюджет маблағларидан ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан белгиланган мақсадда фойдаланилиши билан боғлиқ молия-ҳўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки икки йил мобайнида режали текширувлардан ўтказилмайди.

Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширувлардан ўтказиш муддатлари ўттиз календарь кундан ошмаслиги лозим. Алоҳида ҳолларда бу муддат назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органнинг қарорига биноан узайтирилиши мумкин, бунда ушбу қоида кичик тадбиркорлик субъектларига нисбатан таътиб этилиши мумкин эмас.

Тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширувларни ўтказиш муддатлари ўн календарь кундан ошмаслиги керак.

Назорат қилувчи орган режали текширув ўтказишнинг бошланиши ҳақида текширувни ўтказиш бошланишидан камида ўттиз календарь кун олдин тадбиркорлик субъектини текширув ўтказиш муддатлари ва предметини қўрсатган ҳолда ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятини текширишлар белгиланган тартибда фақат давлат солиқ хизмати органлари томонидан, улар текширувлар довомида

солиқ ва валютага оид жиноятлар аломатларини аниқлаган тақдирда эса, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурдаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти томонидан амалга оширилади.

Бозорлар, савдо мажмуалари ҳудудларидаги ва уларга туташ, автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларидagi тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бир марталик йигим, ижара ҳақининг тўлиқ тушиши ҳамда уларнинг топирилиши ҳисобга олинши, фискал хотириали назорат-касса машиналаридан, тўловларни пластик карталар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланилиши, шунингдек савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этилиши юзасидан қисқа муддатли текширувлар давлат солиқ хизмати органларининг фақат қонун ҳужжатларида ваколат берилган бўлинмалари томонидан мазкур бўлинмалари бошлиқларининг буйруқлари асосида ўтказилиб, кейинчалик бу ҳақда назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли орган ёки унинг тегишли ҳудудий бўлинмаси қисқа муддатли текширув ўтказилган кундан эътиборан бир иш кунини ичига хабардор қилинади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига "Тадбиркорлик фаолиятига тўқинчилик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашилиш билан боғлиқ жиноятлар ҳамда ҳўжалик йортувчи субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига таъвоуз қиладиган бошқа жиноятлар" ҳамда Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга "Тадбиркорлик фаолиятига тўқинчилик қилганлик, қонунга хилоф равишда аралашганлик ҳамда ҳўжалик йортувчи субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига таъвоуз қиладиган бошқа ҳуқуқбузарликлар учун ушбу маъмурий жавобгарлик", деб номланган алоҳида боғлар киритилди.

Шунингдек, ЖКнинг 180-

Ахбор АРЗИЕВ,  
Бош прокуратура бошқарма  
катта прокурори

моддаси иккинчи қисмига кўра эндиликда "ётказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тартибидagi жазо қўлланилмайди". 184-модданинг тўлдирилган қисмига кўра биноан эса биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича давлат солиқ хизмати органининг қарорини олган кундан эътиборан ўттиз кун ичига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шу жумладан, пенялар ва бошқа молиявий санкциялар тарзида давлатга етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ қопласа, жавобгарликдан озод қилинади.

Бир сўз билан айтганда, ушбу қонун хусусий мулкчи, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилиш, уларни жадал ривожлантириш йўлида туб бурилиш ясади, десак муболага бўлмайди. Унда ислохотлар ислохот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак, деган мақсад мужассам эканини, унинг амалий ифодасини кўришимиз мумкин. Қонун шунингдек, юртимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда, бозорларимизни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириб, дастурхонимизнинг тўкин-сочинлигини таъминлашда, янги иш ўринлари яратиш баробарида, экспорт ва рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришга муносабат ҳисса қўшаётган тадбиркор ва фермерлар фаолиятини янада ривожлантириш борасида давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ислохотларнинг узвий давомидир. Шундай экан, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш нафақат ҳуқуқимизнинг, балки маҳаллий ҳокимлик, мутасадди идоралар ҳамда назорат органлари ишончли зарур.

## Давлат бюджетининг ижросига бағишланди

/Давоми. Бошланғич 1-бетда/

Шунингдек, муҳокамалар чоғида жаҳон бозорига сақланиб келаётган бекарорлик шароитида, рақобатбардош маҳсулот ҳажмини ва номенклатурасини ошириш юзасидан қабул қилинган чора-тадбирлар товар ҳамда хизматлар экспортининг ўсишига олиб келгани таъкидланди. Аввал маҳсулот экспорт қилмаган 490 дан зиёд корхоналар экспорт фойлига жалб этилиб, ташқи бозорга янги 168 турдаги маҳсулотларни етказиб беришга эришилган. Натижанда экспорт ҳажмининг 7,4 фоизга ўсиши ва ташқи савдо айланмаси ижобий сальдоси таъминланган.

Шу билан бирга, йиғилиш иштирокчиларга ҳисобот даврида хусусий мулк ва тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни хар томонлама қўллаб-қувватлаш, соҳани ривожлантириш йўлида тадбиркорларга тўлиқ эркинлик бериш натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида уларнинг саноатдаги улуши 31,4 фоиз, чакана савдо айланмасида 86,3 фоиз, пуллик хизматларда

47,6 фоиз ва бандликда 77,2 фоизга етди.

Буларнинг барчаси янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлашга ижобий таъсирини қўрсатди. 2015 йилнинг биринчи ярмида Аҳоли бандлигини таъминлаш дастури асосида 441,8 минг иш ўрни яратилган, шундан 274,9 минг иш ўрни ёки 62,2 фоизи қишлоқ жойларида ташкил этилган.

Иқтисодийдаги ижобий ўзгаришлар солиқ сибсатининг такомиллашувига, аҳолининг реал даромадларига таъсир кўрсатмаган ҳолда давлат бюджетига солиқ тушумларини кўпайтиришга хизмат қилди. Жумладан, бевосита солиқлар бўйича тушумлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 16,7 фоизга, бевосита солиқлардан тушумлар эса 16,8 фоизга ортиши таъминланди.

Йиғилиш иштирокчилари давлат бюджетидан ижтимоий соҳани, жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ойлик маошлари, пенсия, стипендия, нафақа ва бошқа биринчи даражали тўловларни молиялаштирилиб борилишига алоҳида урғу бериб ўтдилар. Таъкидланганидек, ҳисобот даврида

ижтимоий соҳа харажатларига давлат бюджетининг 59,2 фоизи йўналтирилди. Бунда, ижтимоий соҳа харажатларининг асосий қисми ёки 57,8 фоизи таълим муассасаларини сақлаш ва ривожлантириш харажатларига ажратилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Юқоридагилар билан бир қаторда айрим бюджет ташкилотларида маблағларнинг мақсадсиз сарфланишига, уларнинг ишлатилиши билан боғлиқ молиявий ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилаётганлиги, шунингдек айрим тармоқларда тўлов интизомига риоя этилмаётганлиги оқибатида дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлар, айримларида эса бюджет олдидagi боқиманда қарздорликларнинг мавжуд бўлаётганлиги муҳокамаларда депутатларнинг танқидий эътирозларига сабаб бўлди.

Йиғилишда муҳокама қилинган барча ҳолатларни инobatга олган ҳолда, депутатлар мутасадди вазирлик, идоралар ва маҳаллий ҳокимликларнинг давлат томонидан ажратилган бюджет маблағларининг мақсадли ва самарали сарфланиши, бюджет ташкилотларида молиявий интизомга риоя этилиши таъминлаш бўйича масъулият

ни ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси билан белгиланган тартиб-қоидалар ижро этилиши устидан назоратни кучайтириш бўйича амалий тақлифларини билдиридилар.

Ушбу масалаларда мутасадди вазирлик, идоралар вакилларининг ахборотлари тингланди. Жумладан, Давлат солиқ ва боғхона қўмиталарининг бюджет даромадларининг ижроси бўйича, Халқ таълими вазирлигининг ҳисобот даврида соҳада давлат бюджети ва мақсадли жамғармалар маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш борасида амалга оширилган чора-тадбирлари тўғрисидаги, шунингдек "Ўзбекенгилсаноат" компанияси тизимида зарар билан ишлаётган корхоналар тўғрисидаги, уларни соғломлаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақидаги ахборотлари эшитилди.

Тадбирда билдирилган фикр-мулоҳазалар ва тақлифлар муҳокама қилиниб, депутатлар томонидан кўриб чиқилган масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

Айтиш мумкинки, жиноят содир этган ҳар қандай шахс ўзининг ҳуқуққа зид ҳаракатлари билан жамиятда қарор топган муносиб ҳулқ-атворга эга бўлиш қондаларини бузган ҳисобланади ва шу сабабли у аўст-бироларлари, қариндош-уруғлари, қолаверса, бутун жамият олдига уятга қолади. Бу борда инсон табиати ва ҳулқ-атворини кузатиб, таҳлил этган дунёнинг кўплаб донишмандлари инсондаги барча нуқсонлар (шу жумладан, жиноятлар ҳам) унинг ўз нафсига эргашиб намоён этадиган номуносиб ҳулқ-атвори (хатти-ҳаракатлари) оқибатида келиб чиқшини таъкиллайдилар...

## Қилмишга яраша жазо

Жамшид САЛОҲИДИНОВ,  
Зарбдор туман прокурори

Шундай бўлмаганда, эндигина йигирма ёшдан ошадиган зарбдорлик Қодирбек Норбоев, Сарварбек Кимсанов, Илҳомжон Тўраев ва Хайридин Хасановлар (исм-фамилиялар ўзгартирилган) бировга зўрлик ишлатиб, озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек, жабрланувчига зўрлик ишлатиш ёхуд у учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан қўрқитиб, ғайриқонуний, айна пайтда, ғайриинсоний хатти-ҳаракатлари содир этмаган бўлармидилар?

Ўтказилган дастлабки терговда аниқланишича, Қ.Норбоев, С.Кимсанов, И.Тўраев ва Х.Хасанов 2015 йил январь ойи кунларининг бирида кечки пайт Қ.Норбоев яшайдиган уйда ўзаро жиноий тил бириктириб, Қодирбекдан олган қарзини бериш учун келган Соҳибжон Раҳматовнинг қўлини боғлаб, унга жисмоний азоб беришда ва бу ҳаракатларни уяли телефон ёрдамида тасвирга туширишди. Кейин бир кун ичида 1 млн. 500 минг сўм қарзидан 590 минг сўмини тўлаган бўлса-да, бунга эътиборга олмасдан, яна 1 млн. 500 минг сўм пулларини беришни ундан талаб қилиб, акс ҳолда ушбу тасвирни Интернет тармоғи орқали тарқатиб юбориш билан қўрқитишди.

Тергов жараёнида айбланувчилар ўз айбларига иқдорлик билдирмаган бўлсалар-да, уларнинг айби тўпланган далиллар, жумладан, воқеа жойини кўздан кечириш ва кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомалари, шахсни таниб олиш учун кўрсатиш баённомаси ва фотосуратлар, уяли телефонларга кириш ва чиқиш кўнгирақлари, айбланувчилар томонидан уяли телефон ёрдамида жабрланувчига нисбатан қилинган ноҳўя хатти-ҳаракатлари ёзилган видео лавҳалар, жабрланувчи ва гувоҳлар кўрсатмалари ҳамда жиноят ишидаги бошқа ҳужжатлар билан ўз исботини топди.

Суд томонидан уларга нисбатан қилмишларига яраша жазо тайинланди.



## «Техник саз» ортидаги «НОСОЗЛИКЛАР»

Жамшид ХАЛИЛОВ,  
Қашқадарё вилоят  
прокурорининг ёрдамчиси

Маълумки, юртимизда транспорт воситаларининг сони кун сайин ортиб бормоқда. Бу эса, аввало, аҳолининг турмуш фаровонлиги ошиб, мамлакатимизда автомобилсозлик саноати жадал ривожланаётганидан дарак беради. Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш автомобилларини доимий равишда техник кўриқдан ўтказиб туришни тақозо этади. Чунки техник жиҳатдан носоз бўлган транспорт воситаси йўл-транспорт ҳодисаларини келтириб чиқарувчи асосий сабаблардан биридир. Бундай ҳодисаларнинг олдини олиш учун транспорт воситаларини доимий равишда техник кўриқдан ўтказиб бориш давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати зиммасига юкланган.

Белгиланган тартибга кўра, автомобиллар аввал назоратдан ўтказилиб, унинг созлиги тасдиқлансагина, транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасига техник созлиги ҳақида муҳр ва имзо қўйилади ҳамда бу техник кўриқдан ўтказиш китобида қайд этилади. Аммо соҳа ходимлари орасида мазкур тартибқоида бузиб, моддий манфаат умидида вазифасига эътиборсизлик билан қараётган, факторлардан тамағирлик йўли билан пора олишдек жиноятга қўл ураётганлар ҳам кўзга ташланмоқда.

Фуқаро Убайдулла Абдуллаев ўзига тегишли "Дамас" русумли автомашинасини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш учун Қарши шаҳар ички ишлар бўлими автотранспорт воситалари техник ҳолати, улардан фойдаланиш қоидалари ва меъёрларига амал қилишни назорат этиш бўлимига келади. Қарасаки, бўлимда одам тирбанд, Убайдулла атрофни кузатиб тураркан, вақти тигиз кишиларга "беминнат" хизмат қилиб юрган Т.Инатовга кўзи тушди ва ундан ёрдам сўрайди. Т.Инатов аслида бўлимга худудидаги "Нах-

шаб технотранс" МЧЖга қарашли автомобилларни сақлаш жойида қорувул бўлиб ишлашига қарамасдан, баъзи масъул шахслар билан анчагина тил топишиб олган эди. Шунинг учун ҳам улар "олди-берди" масалаларини Т.Инатов орқали амалга оширишга ўрганиб қолишган экан. 2013 йилнинг 30 сентябрдан Қарши шаҳар ИИБ автотранспорт воситалари техник ҳолати, улардан фойдаланиш қоидалари ва меъёрларига амал қилишни назорат этиш бўлимига бошлиқ этиб тайинланган Турғунбек Пиров ҳам Т.Инатовнинг хизматидан яхшигина фойдаланган. Хуллас, Убайдулла Абдуллаев автомашина ҳужжатларини Т.Инатовга берган, бевосита унинг кўмағи билан атиги 10 минг сўм эвазига иши осон битди. Натижда машина на техник кўриқдан ўтказилади ва на бу иш қонуний расмийлаштирилади.

Т.Инатовнинг "хожатбарорлиги" фақат шундан иборат эмас эди. У Турғунбек Пировга таниш-билишларининг автомашиналарига "техник саз" деган муҳр ва имзони қўйдириш учун ҳам пора олди-бердисида воситачилик қилади. Бу эса бошлиқнинг нафси тобора

ҳалакати ортишига сабаб бўлади. Хонасидан чиқмаса-да, "оқиб" келадиган пуллар уни ҳаволантира бошлайди. Шунинг учун ҳам масъулиятли касб эгаси эканлигини унутди.

Т.Инатов ўғли Қарши агробизнес ва тадбиркорлик коллежи ўқувчиси бўлгани боис "Автомобилни бошқариш" фанидан яқка тартибда энгил ва юк автомобилларини бошқариш маршрут хартасини Қарши шаҳар ИИБ ЙХБдан тасдиқлатишни ўз бўйнига олди. Бироқ Турғунбек Пиров бунинг эвазига Т.Инатовдан 100 минг сўм талаб қилади. У пулни олгач, гарчи коллеж маъмурияти расмий хат билан мурожаат қилмаган бўлса-да, харитани тасдиқлаб беради.

Бундан ташқари, бўлимга бошлиғи Турғунбек Пиров қонунга ҳилоф равишда Т.Инатов орқали Бекмурод Хўжаёровнинг бошқарувидаги "Гидромаксуссервис" масъулиятли чекланган жамиятига тегишли "Дамас" автомашинасининг техник кўриғи учун 100 минг, Хушвақт Шаймановнинг "Отайл-м24" автобусининг техник кўриғи учун 100 минг, Обиджон Туроповдан 8 минг, Нейматжон Абдуллаевдан 30 минг, Ҳаким Давроновдан 15 минг, Ваҳоб Раҳмоновдан 20 минг сўм пулни пора сифатида олиб, автомашиналарни техник кўриқдан ўтказиш китобида қайд этмасдан ва тўловларни қонуний равишда амалга оширмасдан транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасига "техник саз" муҳрини босиб, имзо қўйиб беради.

Жиноят ишлари бўйича вилоят суди Турғунбек Пировни уч йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, унга 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

## Билса ҳазил, билмаса чин

Йил боши, аёли кунлардан бирида, аниқроғи, 30 январь куни кечки пайт уч оғайин "исниб" олиш учун қишлоқ гузарига иккита шишани "думлатишди". "Иштахалари" очилди. Яна битта "ярихта" бўлсайди, бироқ...

— Кетдик Дониёрниқига, — Аброр улфатларини умидвор қилди. — Қарзи бор, олиб, давом эттира-миз.

Дониёржон бемаҳал ташриф буюрган кайфи тароқ меҳмонларни хушламай қарши олди.

— Ҳалиги ўн беш мингни бер...

— Ёнимда йўқ, эртага бераман.

Аброрнинг кўзи айвонга терилган қопларга тушди. "Бору, бергиси йўқ", деди ўзича.

— Ҳозир топиб берасан...

Дониёржон ваъдани қуюқ қилиб, чақирилмаган, кайфи тароқ меҳмонларни кўчага кузатиб қўйди. Урнига кириб ётди. Азонда айвонга чиқди. Сочилган шоли дончалари кўнглини гаш қилди. Айвондаги қопларни санади. Еттита қоп йўқ! Ўғри тушибди! Ҳовлидаги тўкилган шоли дончалари уйининг ортидаги далага олиб чиқди. Далада тўкилиб қолган шоли Аброрнинг уйигача бориб тақалди. Уни чақирди.

Сўроқ-саволга тутди. "Мен олганим йўқ, дея онт ичди. Дониёржон "мен билан юр", деди. Воҳиднинг уйи ёнида ҳам шоли дончалари тўкилиб қолган эди. Воҳид билан кўчада гаплашди.

— Еттита қопда шолим йўқ, ўғирлаган бўлсаларинг, яхшиликча қайтариб беринглар.

— Билиб-билмай ўғри қилма.

— Кечаси уйимга сенлардан бошқа

Шерзод МИРЖАВҲАРОВ,  
Бешарик туман прокуратураси терговчиси

биров боргани йўқ. Олган бўлсаларинг, тўғриси айтинглар, бўлмаса ҳозир ИИБга кўнгирақ қиламан.

— Қилсанг, қилавер, биз олганимиз йўқ.

Дониёржон худуд профилактика инспекторига телефон қилиб, бўлган воқеани айтиб берди.

Иш пачавалигига ақли етган Аброр билан Воҳид оёғи қуйган товукдай тигирчилаб қолишди.

— Шунга шунчамки, ҳазилниям билмайсанми. Бекмурод учаламиз ҳазиллашгандик, бир юрагинни тақипка қилиб, ўзимиз яна жойига олиб бориб қўймоқ-чидик. Кел, энди ўртоқ, гап орамызда қолсин...

— Э сендақа ҳазилкашларни! Энди мендан кўрасан, ҳазилнинг зўрини! — дея Дониёржон худуд профилактика нозирининг телефон рақамини терди.

— Ўғрилари топдим, тезда етиб келинг.

Нозир учала "ҳазилкаш"ни ИИБга олиб кетди. Тилдан тўтилганларнинг иқдор бўлишдан ўзга чоралари қолмади.

Ўғирланган шолини Бекмуроднинг ҳолисиникига элтди қўйишган экан.

Суд мажлисида Жийда қишлоғида яшовчи А.Шерматов, Б.Дехқонов, В.Усмоновлар айбларига тўлиқ иқдор бўлишди. Уларнинг айби гувоҳларнинг кўрсатмалари билан ҳам тасдиқланди.

Суд зарарининг ўрни қопланганини эътиборга олган ҳолда, ўзаро тил бириктириб, яширин равишда бировнинг мулкни ўмарган ўғриларга ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлади.





## Бу юртга байрамлар ярашади

Қарий бир ҳафта давомида қадимий ва ҳамиша навиқрон Самарқанд қўшалоқ байрам оғушида қолди. Истиқлол айёмининг 24 йиллиги ва "Шарқ тароналари" Халқаро мусиқа фестивалига қўрилган тайёргарлик шаҳарга янада файз ва чирой бахш этди. Кенг ва озода кўчалар бўйида ранг-баранг байроқлар ҳилпирлади. Сўлим боғ ва хиёбонлар таровати кишига хуш кайфият бағишлади.

Сўзда таърифлаб, қаламда тасвирлаб бўлмайдиган ҳис-туйғулар мусиқада ўз ифодасини топади. Уни тушуниш, таъсирини сезиш учун таржимон шарт эмас. Мусиқа халқларни, турли миллат ва элатларни бир-бирига танитди, яқинлаштирди. Самарқандга келган киши ана шундай байрамона, дўстона муҳитнинг гувоҳи бўлди. Бу галги "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида олти миш олти мамлакат санъаткорлари, минглаб сайёҳлар ва муҳлисларнинг бир-бирига ширинсузлиги, очикюзлигини кўриб, давлатимиз раҳбарининг илк фестивалнинг очилиш маросимидаги кўйидаги сўзлари ёдга тушади: "Ишонаманки, бу фестиваль ҳар бир одамни меҳру шафқатли, меҳру оқибатли бўлишга даъват этади, ер юзиде барқарорлик ва аҳиллик табиатини уйғотди. Ишонаманки, "Шарқ тароналари" мусиқа фестивали халқларимиз маданиятларини ўзаро бойитди, миллатимиз ва динимиздан қатъи назар, халқларимизни ва инсонларни бир-бирига яқинлаштирди".

Бу олижаноб мақсадлар ҳаётида ўз ифодасини топмоқда. 1997 йилдан буён ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали жаҳон аҳлининг ўзаро маданий мулоқотга бўлган ҳаётий эҳтиёжини рўёбга чиқаришда бекиёс восита бўлиб хизмат қилмоқда. Кези келганда айтиш лозимки, фестивалга Самарқандда катта тайёргарлик қўрилди. Регистон майдони таъмирланиб, атрофи ободонлаштирилди. Амфитеатр кенгайтирилиб, ёритиш тизимини янгиланди. Улуғбек, Шердор, Тиллакори мадрасалари реставрация қилинди. Кўксарой майдони, Амир Темур, Рухобод хиёбонларида кенг қўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилди, янги фавворалар бунёд этилди.

## Бу диёр илгари ҳам мусиқа маркази эди

Юртимизда мусиқа санъати қадимдан ривожланган. Самарқанд яқинидаги Мўминобод қишлоғидан суяқдан ясалган 3 минг 300 йиллик най топилигани, кўхна Афросиёб деворий суратларидаги муганний ва созандалар тасвири, улуг алломаларимизнинг мусиқага оид фалсафий-эстетик қарашлари азалдан халқимизнинг мусиқий маданияти юксак

бўлганини кўрсатади.

Абу Наср Форобий "Мусиқа ҳақида катта китоб" асарида товушларнинг вужудга келиши, куйлар уйғунлиги, ритм ўлчовлари ва турларини шарҳлаб берган. Абу Али ибн Сино эса "Тиб қонунлари" китобида юрак, асаб касалликларини мусиқа воситасида даволаш яхши самара беришини таъкидлаган. Комил Хоразмий Хоразм нотасини ихтиро қилиб, "Рост" мақомининг деб бочасини ушбу нотага туширган.

Хазрат Амир Темур даврида илм-фан ва санъатнинг барча соҳалари қатори мусиқа ва кўшиқчилик ҳам юксак даражада ривожланган. Самарқандда турли ўлкалардан келган созанда ва хонандалар жам бўлган. Мусиқа кечалари ўтказилиб, ҳар ким ўз расми билан ишлуна айтган.

Бугун ҳам мамлакатимизда ўз ҳофизини, ўз санъаткори бўлмаган кишлоқ ёки маҳаллани топиш қийин. Ҳар бир хонадонда дутор, доира каби чолғу асбобининг бўлиши ҳам халқимизнинг санъатга ихло-сидан далолат беради.

## Фестивалнинг тантанали очилиш маросими

Мухташам Регистон майдонидаги мадрасалар гулгун шафақ фонди янада гўзал ва салобатли кўринди. Бетакор амфитеатр ҳосил қилган бу обидалар анжуманга ўзгача рух, улугворлик бағишлади. Мовий гўмбазлар ранг-баранг чироқлар ёғдусида жилоланди. Майдон "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалининг очилиш маросимида анжуман катнашчилари ва меҳмонлари, санъат иҳлосмандлари, мусиқаюнос олимлар, чет эллик ва маҳаллий журналистлар, сайёҳлар билан тўлди.

Маросимда сўзга чиққан Президентимиз Ислам Каримов "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали иштирокчилари ва меҳмонларини қутлар экан, мазкур анжуманнинг чуқур гуманистик руҳи ва фалсафаси, халқлар ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, маданий мулоқотни ривожлантириш, мумтоз мусиқа аъёнларини асраб-

авайлашдаги аҳамияти ҳақида тўхталди, фестивал ишига муваффақият тилади.

Шундан сўнг, ЮНЕСКО Бош директорининг ўринбосари Эрик Фальт Ўзбекистон тарихий ва маънавий меросини сақлаб, барча соҳаларда барқарор ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Мусиқа фестивалининг очилишида ўзбек мумтоз ашуллари дилларни ром этди, жозибдор рақслар кўнгилларга завқ-шавқ бағишлади. Томошбинлар дилтортар ашуллаларга жўр бўлиб, рақсга тушди. Ўзбек санъаткорлари ижросида жаҳон классик композиторлари асарларидан намуналар янграганда барча хайратга тушди. Мамлакатимизда миллий санъат билан бир қаторда жаҳон мусиқа маданиятининг энг нодир намуналари ҳам севиб ижро этилишини намоеён этди.

Маросим борган сари кизилди. Мумтоз ашуллалар, фольклор намуналари, завқли рақслар дилларни жўштирди. Шўҳ куй-қўшиқлардан завқланган томошбинлар санъаткорларга жўр бўлди, рақсга тушди. Қадим Регистон узра порлаган ранг-баранг мушаклар Самарқанд осмонидега юлдузлар каби бутун борлиқни мунаввар этиб, кўнгилларга сурур бағишлади.

## Мусиқа анжумани дўстлик байрамига айланиб кетди

Фестиваль жаҳон санъат аҳлининг ўзаро фикр ва таҳриба алмашиши учун яхши имконият яратмоқда, янги номлари кашф этиб, ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Мамлакатимиз санъати ва маданиятини, шу билан бирга, замонавий тараққиёти ва сайёҳлик салоҳиятини бутун дунёга намойиш этишда муҳим омил бўлмоқда.

Анжуман катнашчилари Регистон майдонидаги асосий сахнадан ташқари, Оқдарё, Жомбой, Самарқанд, Тайлоқ туманларида ҳам концерт дастурларини намойиш этди. Самарқанд шаҳридаги истироҳат боғлари ва хиёбонлар, театрлар, маҳалла гузарлари, бола-

лар мусиқа ва санъат мактабларидега учрашувлар ўтказилди.

Фестиваль иштирокчилари ва меҳмонлари Самарқанднинг ноёб тарихий обидаларини зиёрат қилиш, тўқин ва фаровон бозорларимизни кўриш, истиқлол йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ва меҳмондўст халқимиз билан танишиш имкониятига эга бўлишди.

## Иштирокчиларнинг таассуротлари олам-олам

— Дунёда санъат соҳасида қўллаб-қувватлаш ва анжуманлар ўтказилади, — дейди ҳакамлар хайъати аъзоси, мавританиялик Баҳ Оулд Салек. — Лекин ер юзининг барча қишлоқларидан вакиллар катнашадиган бундай улкан санъат байрами кам. Бу ерга келган юзлаб созанда ва хонандалар ўз миллий санъатини намойиш этиши ҳам шундан далолат беради. Фестивалда иштирок этаётганлар учун юксак савиядаги шарт-шароит яратиб берилди. Турли мамлакатдан келган санъаткорлар бу ерда мусиқа, кўшиқ воситасида бир-бирлари билан яқиндан танишади, дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлайди. Албатта, бундай нуфузли фестивалда ҳакамлик қилиш катта шараф бўлиши баробарида, улкан масъулият ҳамдир. Самарқанд нафақат қадимий, балки замонавий шаҳар сифатида ҳам бизда унутилмас таассурот қолдирмоқда. Миллий ва замонавий архитектура мезонлари асосида бунёд этилган бино ва иншоотлар Ўзбекистоннинг жадал ривожланиб бораётганидан далолат беради.

— "Шарқ тароналари" аллақачон дунё мусиқа аҳлининг ноёб мулкига, унда иштирок этиш ҳар бир санъаткорнинг эзгу орузсига айланган, — дейди ҳиндистонлик хонанда Устад Ваҳаҳат Хусайн Хон. — Ушбу нуфузли анжуманда иштирок этиш санъаткорлар учун наинки шараф, балки катта масъулият ҳамдир. Президент Ислам Каримов фестивалнинг тантанали очилиш маросимида анжуман катнашчиларини "тинчлик элчилари" деб атагани кўнгилмизга гурур-ифтихор туйғуларини солиш билан бирга, бизни янада улкан ижодий парвозлар сари руҳлантирди. Биз ижод аҳли бундай юксак эътирофга сазовор бўлганимиздан жуда бахтиёримиз. Фестиваль азалдан жаҳоннинг маданият ва санъат бешикларидан бири бўлиб келган Самарқандда ўтказилаётгани анжуманнинг файзига файз қўшмоқда. Зотан, Самарқанд тупроғининг ҳар бир заррасида катта ҳикमत бор, ҳар бир кўчаси, майдон ва хиёбониде салобат, файзу тароват бор. Бу қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарнинг ҳар бир гиштида бунёдкор халқингизнинг буюк истеъдоди ва маҳорати мужассам. Самарқанддан ҳали кетмай туриб, бу ерга яна ва яна келгим келмоқда.

— Самарқанд ўйлаганимдан ҳам хайратланарли, бетимсол экан, — дейди Комор оролларида келган созанда Жибаба

Дўстбек СУЛayMOHOB,

«Huroq»

# «Шарқ таронаси»

Мади Субира. — Бу ерда бир вақтнинг ўзида тарихий ва замонавий шаҳарни кўриш мумкин. Кўп асрлик қадимий биноларни кўриб, узок ўтмишга саёҳат қилсангиз, янги бино ва иншоотлар бугунги давр тараққиёти, фан-техника имкониятларидан далолат беради. Айниқса, фестиваль асосий сахнасининг Регистон майдонида жойлашгани кишига ўзгача кайфият, жўшқинлик, хайрат ва ҳавас бахш этади. Бундай сахнада куйлаш, рақс ижро этиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Биз шундай имкониятга эга бўлганимиздан бахтиёримиз.

— Самарқанд дунёнинг албатта бориб кўриш керак бўлган эликта шаҳри қаторида туришини яхши биламиз, — дейди перулик мусиқачи Асеведе Баллон Жорже Освалдо. — Ушбу улугвор шаҳарда бўлиш, унинг жаҳонга донг тартган бебаҳо тарихий обидаларини томоша қилиш, бугунги фаровон ва осуда ҳаёти, асрлар давомида сайқал топган миллий кадрини ва аъёнларини, тўқин бозорлари, меҳмондўст халқи билан яқиндан танишиш имконига эга бўлаётганимиздан бениҳоя бахтиёримиз. Айни кунларда буюк Шарқ тимсоли бўлган кўхна Самарқанднинг замонлар руҳини ўзида мужассам этган ўлмас обидаларидан, мовий гўмбазлари ва юксак минораларидан, маҳобатли пештоқларидан гўёки асрлар садоси таралаётгандек, шу муқаддас заминда яшаб, ижод қилган улуг мутафаккирлар, аллома ва санъаткорларнинг овозлари янграб тургандек туюлмоқда.

## Фестивал голиблари

Ва ниҳоят "Шарқ тароналари" ўнинчи халқаро мусиқа фестивали голиб ва совриндорлари эълон қилинди. Фестивалнинг бош соврини — Гран-при Хитойнинг "Jiangsu Women's Orchestra" гуруҳига топширилди. Япониянинг "Shamisen" гуруҳи биринчи, Польша ва Эстония вакиллари иккинчи, Коста-рикалик санъат усталари учинчи ўринни қўлга киритди. Қорақалпоғистоннинг "Айқулаш юлдузлари" гуруҳи ЮНЕСКОнинг махсус совринига сазовор бўлди. Қатор қўшимча номинациялар бўйича ҳам голиблар аниқланиб, муносиб рағбатлантирилди.

Маросимда юртимиз санъат усталари ва ёш ижрочилар иштирокида катта концерт дастури ҳамда фестиваль учун махсус тайёрланган 3D форматдаги ранглар шоуиси намойиш этилди. Унда мамлакатимизнинг шонли тарихи, мустақиллик йилларида буюк аждодларимиз маънавий меросини тиклаш борасидаги ишлар, маданият ва санъат соҳасида қўлга киритилган улкан ютуқлар ўз ифодасини топди.

Шу билан фестивал якунланди. Унинг иштирокчилари бу муқаддас заминни асло тарк этгиси келмаётганини, бу ерда ўтказган гўзал ва унутилмас онларни қўмсаб қолишини айтиб хайрлашди.



Масъулиятсизлик оқибати

Акмалжон РАҲИМОВ, Фаргона вилоят ҳўжалик судининг судьяси

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, бундай катта миқдордаги пеня нима учун қўлланилди?

Гап шундаки, 2011 йилнинг январь-май ойларида Фаргона вилоят "Сувоқава" ишлаб чиқариш корхонасидан бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга 1 млрд. 34 млн. 752 минг сўмлик солиқлар ҳамда мажбурий тўловларни ундириш бўйича корхонанинг АТИБ "Ипотекабанк"нинг вилоят филиалидаги асосий ҳисобварағига инкасса топшириқномалари қўйилган. Амалдаги тартибга кўра, миқзоннинг асосий ҳисобварағига инкасса топшириқномалари қўйилганда унинг иккиламчи ҳисобварағидан актив операцияларни тўхтатиб туриш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг банк депозитлари миллий ахборотлар базаси орқали Давлат солиқ қўмитаси ва барча иккиламчи ҳисобварақ очган банкларга хабар берилади. Шунга кўра, иккиламчи ҳисобварағи очилган банклар миқзоннинг ҳисоб варағига келиб тушган маблағни асосий ҳисоб варағига хизмат кўрсатувчи баннга ўтказиб беришлари шарт. Юқоридagi инкасса топшириқномаси хусусида ҳам тегишли хабарнома барча банкларга юборилган. Аммо вилоят "Сувоқава" ишлаб чиқариш корхонасининг иккиламчи ҳисобварағи очилган "Халқ банки"нинг Қўштепа туман филиали ходимлари бу хабарномага масъулиятсизлик билан қараган. Яъни 2011 йилнинг 24 январидан 10 июнига қадар корхона ҳисобварағига келиб тушган 570 млн. сўм маблағ инкасса топшириқномасини ижро этиш учун йўналтирилмасдан бошқа мақсадларга сарфланган. Оқибатда вилоят "Сувоқава" ишлаб чиқариш корхонасининг 315 млн. 700 минг сўмлик солиқ ва мажбурий тўловлардан бўлган қарзи тўланмай қолган. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 53-моддасига асосан тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,5 фоиз миқдорда — 2011 йил 24 январдан 2013 йил 10 июлга қадар 1 млрд. 342 млн. 395 минг сўм пеня ҳисобланган. Чунки 2013 йилнинг 10 июлида корхонанинг солиқ мажбурияти Фаргона шаҳар "Сувоқава" ишлаб чиқариш бўлимига ўтган. Лекин банк филиали масъуллиги билан норози бўлиб, текшириш далолатномасига имзо қўйишдан бош тортишган. Шундан сўнг текшириш ҳужжатлари белгиланган тартибда қўриб чиқилиб, 2014 йил 17 октябрь кунин Қўштепа туман ДСИ томонидан солиққа оид қонунбузарликни бартараф этиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Ана шу қарор асосида ҳисобланган пеняни тўлаш учун банк филиалига бир ойлик ихтиёрий мuddат берилган. Бироқ, белгиланган мuddат ўтиб кетса ҳам тўловлар амалга оширилмаган. Бинобарин, Қўштепа туман ДСИ вилоят ҳўжалик судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, Солиқ кодексининг 53-моддасига биноан "Халқ банки"нинг Қўштепа туман филиалига 1 млн. 342 млн. 395 минг сўм пеня қўллашни сўради. Суд мажлисида жавобгар вакиллари инкасса топшириқномаси ҳақидаги электрон хабарнома банк филиалига келиб тушмаганини билдирди. Аммо Ўзбекистон Республикаси Марказий банки экспертлар кенгашининг 2015 йил 23 мартдаги хулосаси инкасса топшириқномаси ҳақидаги хабарнома ДТ "Халқ банки"нинг Қўштепа туман филиалига ўз вақтида етказилганини тасдиқлади. Филиал ходимларининг масъулиятсизлигини шундан ҳам билиш мумкинки, гарчи 2004 йил 19 июлда филиалда вилоят "Сувоқава" ишлаб чиқариш корхонасининг иккиламчи ҳисобварағи очилган бўлса-да, бу ҳақда АТИБ "Ипотекабанк" вилоят филиалига хабар берилмаган. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 5 январда 864-сон билан рўйхатдан ўтказилган "Ҳўжалик юритувчи субъектларга бир нечта банкда ҳисоб рақамлар очиш ва улардан тўловларни амалга ошириш тартиби"нинг 2-бандида банклар юридик шахсларга иккиламчи ҳисобварақ очганидан кейинги кундан кечикмаган ҳолда ушбу юридик шахсларга, улар рўйхатда турган давлат солиқ хизмати органига ҳамда асосий ҳисобварағи очилган банкка ёзма равишда хабар бериши лозимлиги таъкидланган. Солиқ кодексининг 53-моддасида: "Банкнинг айби билан солиқ тўловчининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини ўтказиш топшириқномаси, тегишли ваколатли органининг уларни ундириш тўғрисидаги инкасса топшириқномаси бажарилмаган (бажарилиши кечиктирилган) тақдирда, банкдан ҳар бир кечиктирилган кун учун солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўтказилмаган суммасини 0,5 фоизи миқдорда белгиланган тартибда пеня ундирилади", деб белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги "Ҳўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексини умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги қарорининг 37.3-бандига кўра давлат солиқ органининг аризаси қаноатлан-тирилганда молиявий санкция банк филиалига эмас, балки банкнинг ўзига қўлланилади. Ана шу асосларга таянган суд Қўштепа туман ДСИнинг даъвосини қаноатлантириб, Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат "Халқ банки"га 1 млрд. 342 млн. 395 минг сўм пеня қўллаш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди. Шунингдек, мажкур ҳўжалик иши бўйича аниқланган қонунбузилиши ҳолатларига ҳўқуқий баҳо бериш юзасидан хусусий ажрим чиқарилиб, Фаргона вилоят прокуратурасига ҳам юборилди. Энди бир мушоҳада қилиб кўрайлик. Тилга олганимиздек, биргина банк филиали ходимларининг масъулиятсизлиги туфайли давлат бюджетига ундирилши лозим бўлган 315 млн. 700 минг сўмлик солиқлар ўз вақтида тўланмай қолди. Энг ачинарлиси, Республика акциядорлик тижорат "Халқ банки" 1,3 миллиард сўмдан ортик миқдорда моддий зарар қўрди. Шундай экан, ҳар бир жамоада қатъий интизон ўрнатилса, ҳар бир ходим ўз вазифасини беками-кўст бажарса, юқоридagi сингари жиддий қонунбузилиши ҳолати содир этилмайди. Энг муҳими, фуқароларнинг ҳўқуқ ва эркинликларига, давлат ва жамият манфаатларига, бир сўз билан айтганда, қонун устуворлигига путур етмайди.

Ўтган 2014 йилнинг 24 сентябрыда Фаргона вилояти давлат солиқ бошқармаси ва Қўштепа туман ДСИ бўлими томонидан акциядорлик тижорат "Халқ банки"нинг Қўштепа туман филиалида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2012 йил 15 мартда рўйхатдан ўтказилган "Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида"ги Йўриқнома талабларига риоя этилиши юзасидан режадан ташқари қисқа мuddатли текшириш ўтказилди. Текшириш натижаларига кўра, банк филиалига нисбатан 1 млрд. 342 млн. 395 минг сўмлик пеня ҳисобланади.

широқномасини ижро этиш учун йўналтирилмасдан бошқа мақсадларга сарфланган. Оқибатда вилоят "Сувоқава" ишлаб чиқариш корхонасининг 315 млн. 700 минг сўмлик солиқ ва мажбурий тўловлардан бўлган қарзи тўланмай қолган. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 53-моддасига асосан тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,5 фоиз миқдорда — 2011 йил 24 январдан 2013 йил 10 июлга қадар 1 млрд. 342 млн. 395 минг сўм пеня ҳисобланган. Чунки 2013 йилнинг 10 июлида корхонанинг солиқ мажбурияти Фаргона шаҳар "Сувоқава" ишлаб чиқариш бўлимига ўтган. Лекин банк филиали масъуллиги билан норози бўлиб, текшириш далолатномасига имзо қўйишдан бош тортишган. Шундан сўнг текшириш ҳужжатлари белгиланган тартибда қўриб чиқилиб, 2014 йил 17 октябрь кунин Қўштепа туман ДСИ томонидан солиққа оид қонунбузарликни бартараф этиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Ана шу қарор асосида ҳисобланган пеняни

тўлаш учун банк филиалига бир ойлик ихтиёрий мuddат берилган. Бироқ, белгиланган мuddат ўтиб кетса ҳам тўловлар амалга оширилмаган. Бинобарин, Қўштепа туман ДСИ вилоят ҳўжалик судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, Солиқ кодексининг 53-моддасига биноан "Халқ банки"нинг Қўштепа туман филиалига 1 млн. 342 млн. 395 минг сўм пеня қўллашни сўради. Суд мажлисида жавобгар вакиллари инкасса топшириқномаси ҳақидаги электрон хабарнома банк филиалига келиб тушмаганини билдирди. Аммо Ўзбекистон Республикаси Марказий банки экспертлар кенгашининг 2015 йил 23 мартдаги хулосаси инкасса топшириқномаси ҳақидаги хабарнома ДТ "Халқ банки"нинг Қўштепа туман филиалига ўз вақтида етказилганини тасдиқлади. Филиал ходимларининг масъулиятсизлигини шундан ҳам билиш мумкинки, гарчи 2004 йил 19 июлда филиалда вилоят "Сувоқава" ишлаб чиқариш корхонасининг иккиламчи ҳисобварағи очилган бўлса-да, бу

ҳақда АТИБ "Ипотекабанк" вилоят филиалига хабар берилмаган. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 5 январда 864-сон билан рўйхатдан ўтказилган "Ҳўжалик юритувчи субъектларга бир нечта банкда ҳисоб рақамлар очиш ва улардан тўловларни амалга ошириш тартиби"нинг 2-бандида банклар юридик шахсларга иккиламчи ҳисобварақ очганидан кейинги кундан кечикмаган ҳолда ушбу юридик шахсларга, улар рўйхатда турган давлат солиқ хизмати органига ҳамда асосий ҳисобварағи очилган банкка ёзма равишда хабар бериши лозимлиги таъкидланган. Солиқ кодексининг 53-моддасида: "Банкнинг айби билан солиқ тўловчининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини ўтказиш топшириқномаси, тегишли ваколатли органининг уларни ундириш тўғрисидаги инкасса топшириқномаси бажарилмаган (бажарилиши кечиктирилган) тақдирда, банкдан ҳар бир кечиктирилган кун учун солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўтказилмаган суммасини 0,5 фоизи миқдорда белгиланган тартибда пеня ундирилади", деб белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги "Ҳўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексини умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги қарорининг 37.3-бандига кўра давлат солиқ органининг аризаси қаноатлан-тирилганда молиявий санкция банк филиалига эмас, балки банкнинг ўзига қўлланилади. Ана шу асосларга таянган суд Қўштепа туман ДСИнинг даъвосини қаноатлантириб, Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат "Халқ банки"га 1 млрд. 342 млн. 395 минг сўм пеня қўллаш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди. Шунингдек, мажкур ҳўжалик иши бўйича аниқланган қонунбузилиши ҳолатларига ҳўқуқий баҳо бериш юзасидан хусусий ажрим чиқарилиб, Фаргона вилоят прокуратурасига ҳам юборилди. Энди бир мушоҳада қилиб кўрайлик. Тилга олганимиздек, биргина банк филиали ходимларининг масъулиятсизлиги туфайли давлат бюджетига ундирилши лозим бўлган 315 млн. 700 минг сўмлик солиқлар ўз вақтида тўланмай қолди. Энг ачинарлиси, Республика акциядорлик тижорат "Халқ банки" 1,3 миллиард сўмдан ортик миқдорда моддий зарар қўрди. Шундай экан, ҳар бир жамоада қатъий интизон ўрнатилса, ҳар бир ходим ўз вазифасини беками-кўст бажарса, юқоридagi сингари жиддий қонунбузилиши ҳолати содир этилмайди. Энг муҳими, фуқароларнинг ҳўқуқ ва эркинликларига, давлат ва жамият манфаатларига, бир сўз билан айтганда, қонун устуворлигига путур етмайди.

Реклама (эълон)лар

«EFFECT REAL GROUP» масъулияти чекланган жамияти барча тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорларни очик танлов савдоларига таклиф этади.

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.05.2011 йилдаги 147-сонли қарори ва Қува туман ҳокимининг 30.07.2015 йилдаги 44ф-сонли фармойишига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юрридик ва жисмоний шахсларга қўйила-ти ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳўқуқи қўйилмоқда. 1. Қува тумани "Намуна" ҚФЙ "Мингчирор" қишлоғида жойлашган ер майдонида "Автомобилларга сувоғирланган газ қўйиш шохобчаси" қўриш учун 3000 кв.м. ер майдони. Ер майдонининг бошланғич баҳоси 2 181 709 сўм. Мажбуриятнинг бошланғич ҳўжми Қува туман архитектура ва қури-лиш бошқармаси томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асо-сида тақдим этилади. Тавабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришона маъбулуда эълон қилинган кундан бошланади ва 2015 йил 13 октябрь кунин соат 17:00да тўхтатилади. Тавабгорларнинг конвертлари Қува туман ҳокимлиги биносида 2015

йил 14 октябрь кунин соат 11:00да очилади ва шу кунин соат 14:00да мажкур ҳокимлик биносида таклифи энг хшии деб эътироф этилган талабгор галиб деб топилади. Ер участкасига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳўқуқлар мавжуд эмас. Тавабгорлар танлов ҳўжатларини олин ш ер участкасига бўлган ҳўқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдор-даги закалат пулини "Савдогарбанк" Фаргона вилоят бўлимидаги МФО:00500, СТИР: 302128329, 202080000704943278001 х/р.га тўлаш-лари керак. Тавабгорлар танлов ҳўжатларини энг кам ойлик иш ҳўқининг бир баробари миқдордаги даъ эъзизота этиди. Тавабгорлар буюртманомана билан бирга қўйилган ҳўжатларини икки нусхада тақдим этади. — юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳўжат

нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; — жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахсларнинг давлат рўйхатидан ўтка-зилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қўлтан-ган тақдирда шахсини тасдиқловчи ҳўжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; — танлов тапшиқловчисига закалат тўланганини тасдиқловчи тўлов ҳўжатидаги нусха; — танлов ҳўжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳланган конвертларга жойлангизрилган икки нусхадаги танлов таклифлари. Таклиф этилган ҳўжатларнинг барча варақлари талабгорнинг им-зоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шах-сининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак. Танлов ҳўжатларини олин ш учун савдо тапшиқловчисининг маънази: Фаргона шаҳар Аҳмад Фаровий кўчаси 43-уй 24-хона. Тел: +99895 404 54 84 веб-сайт www.effect.uz Лицензия 0094. Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга танлов асосида ер участкалари беришни тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбиркорлар тўғрисида"ги 147-сонли қарорига асосан танлов тапшиқлотчиси "EFFECT REAL GROUP" МЧЖ томонидан 2015 йил август ойида тақимлаштирилган танловлар ҳақида МАЪЛУМОТ

1. Қува тумани "Ақбаробод" ҚФЙ "Дамарик" қишлоғида "Ошхона" биноси қўриш учун ер майдони. Бошланғич баҳоси 987 327 сўм, сотилиш баҳоси 1 400 000 сўм. 2. Қува тумани "Ақбаробод" ҚФЙ "Дамарик" қишлоғида "Ошхона" биноси қўриш учун ер майдони. Бошланғич баҳоси 1 974 744 сўм, сотилиш баҳоси 2 300 000 сўм. 3. Қува тумани "Япикшиқоқ" ҚФЙ Чимбой қишлоғида "Савдо ва маийий хизмат кўрсатиш шохобчаси" қўриш учун ер майдони. Бошланғич баҳоси 2 594 722 сўм, сотилиш баҳоси 3 100 000 сўм. 4. Қува тумани "Баҳор" ҚФЙ Сойкалик қишлоғида "Иссиқхона ва савдо дўконин" қўриш учун ер майдони. Бошланғич баҳоси 3 236 006 сўм, сотилиш баҳоси 5 000 000 сўм. 5. Қува тумани "Ифтихор" ҚФЙ Сўғди қишлоғида "Савдо ва маийий хизмат кўрсатиш шохобчаси" қўриш учун ер майдони. Бошланғич баҳоси 1 240 056 сўм, сотилиш баҳоси 1 500 000 сўм. 6. Қува тумани "Байналминал" ҚФЙ Қалинқўстун қишлоғи-да "Савдо ва маийий хизмат кўрсатиш шохобчаси" қўриш учун ер майдони. Бошланғич баҳоси 1 240 056 сўм, сотилиш баҳоси 2 000 000 сўм. 7. Қува тумани "Тулобод" МФЙ "Зиёкор" кўчасида "Тузаллик салони" ва "Савдо ва маийий хизмат кўрсатиш шохобчаси" қўриш учун ер майдони. Бошланғич баҳоси 2 709 432

сўм, сотилиш баҳоси 10 000 000 сўм. 8. Қува тумани "Тулобод" МФЙ "Зиёкор" кўчасида "Тўйхона" биноси қўриш учун ер майдони. Бошланғич баҳоси 6 200 280 сўм, сотилиш баҳоси 10 000 000 сўм. 9. Қува тумани "М.Хасанов" МФЙ Хасанов кўчасида "Мебель ишлаб чиқариш пехи ва маийий хизмат кўрсатиш шохоб-часи" қўриш учун ер майдони. Бошланғич баҳоси 5 189 544 сўм, сотилиш баҳоси 8 000 000 сўм. 10. Қува тумани "Иттиғиқор" ҚФЙ "Саноатчилар" шаҳарасида "Савдо ва маийий хизмат кўрсатиш шохобчаси" қўриш учун ер майдони. Бошланғич баҳоси 2 155 392 сўм, сотилиш баҳоси 3 500 000 сўм. 11. Қўқон шаҳар "Банди Эшон" кўчасида "Юк тушириш ва саклан омонбери ва ишлаб чиқариш биноси" мураббий учун ер майдони. Бошланғич баҳоси 15 390 000 сўм, сотилиш баҳоси 35 000 000 сўм. 2. Қўқон шаҳар Мувоаруннаҳ кўчасида "Савдо дўконин" қўриш учун ер майдони. Бошланғич баҳоси 25 650 сўм, сотилиш баҳоси 150 000 сўм. "Effect Real Group" МЧЖ тел. 95 404 54 84. Лицензия 0094

Хизматлар лицензияланган

RESPIBLIKA MULK MARKAZI AJ RMM (RES PUBLIKALIK MARKAZI) "Respublika mulk markazi" AJ хорижий ва маҳаллий сармоядорлар ҳамда мулкдор бўлиш истагидаги барча фуқароларни ҳўжалик юритувчи субъектлар устас фондидидаги улушлари, автомобилотранспорт воситалари, асбоб-ускуналар ва кўчмас мулк ҳисобланмайдиган бошқа турдаги давлат ва нодавлат мол-мулкларининг оммавий савдоларида иштирок этишга таклиф этади. Телефон: (0 371) 228-79-52, 228-80-31. www.rmm.uz

"Respublika mulk markazi" AJ бошланғич баҳоси босқичли-баосқич олин бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига такли-ф этади. Савдога Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Тошкент вило-ят прокуратурасининг 2015 йил 2 сентябрыдаги 27-138-сонли буюрт-маномасига асосан, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Чўпонота кўча-си, Ц-маъноси маъназида сақлангизган "Нексия" рўсумили, давлат рақа-ми 01/654 PDA бўлган, 2005 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси тараққан қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 20 657 525 сўм. Аукцион савдоси 2015 йил 25 сентябрь кунин соат 11:00да бошлаб

ўтказилади. Аризалар расмий иш қилини соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушиқлик). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2015 йил 23 сентябрь кунин соат 18:00. Автотранспорт воситаси 25 сентябрь кунин соатланган тақдирда тақрорий аукцион савдоси 2015 йил 6 октябрь кунин соат 11:00да бўлиб ўтади, тақрорий савдо учун аризаларнинг қабул қилишнинг охири мuddати: 2015 йил 2 октябрь кунин соат 18:00. Савдо галиб деб топилган шахста 20 кун ичида сотувчи билан олин-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов

ҳўжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади. Тавабгорлар савдо тапшиқлотчиси билан тузиладиган закалат кели-шувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 40 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "RMM" АЖнинг АИКБ "Илак йўли бан-ки" Сағбон филиалидаги қўйилган ҳисоб-рақамга тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Ариза-ларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш маънази: Тошкент шаҳар, Ол-мазор туман, 1-Қорақамин кўчаси, 1А-уй. 228-79-52. Гувоҳнома №001580. Хизматлар лицензияланган



## Чақмоқ қурбонлари

"Deccan Chronicle" нашрининг хабар беришича, Ҳиндистон жанубида 23 киши чақмоқ уришдан вафот этди. Қайд этилишича, Андра-Прадеш штатида ҳалок бўлганларнинг катта қисми қишлоқ аҳолиси бўлиб, улар кучли ёмғир пайтида далаларда ишлаётган бўлган.

Шунингдек, табиий офат крикет бўйича аёллар ўртасидаги учрашувнинг тўхтатилишига ҳам сабаб бўлган. Боиси, ўйин вақтида стадион яқинидаги дарахтга чақмоқ урилган.

## Таиландга метеорит тушди



Таиландда метеоритни ёлга солувчи номаълум жисмининг Бангкок шаҳрига тушгани ҳақида видеолар пайдо бўлди. Ҳузурий телеканаллар тақдим этган видеороликда кундузи осмон бўйлаб ўзилан оқ из қолдирган ҳолда учётган объект тасвирланган.

Номаълум жисм шу орада ёрқин рангда товланган, кейин аста йўқолиб қолган. Канчанабури провинциясида истикомат қилувчи аҳоли портлашни эслатувчи бир қанча овозларни эшитишгани ҳақида билдириб ўтишган.

Турли хилдаги видеоасмалар Бангкок аҳолиси томонида ҳам суратга олинган.

Мамлакат Астрономия илмий-тадқиқот институти олимларининг қайд этишича, ҳақиқатан ҳам метеорит ерга тушган бўлиши мумкин. Аслида бундай ҳолатлар жуда камдан-кам ҳолларда, асосан тунги вақтларда содир бўладиган воқеа бўлса-да, мазкур вазият каби ҳолатлар кузатилиши мумкинлигини билдиришган.



## Автомобиллар ҳаракатлари тақиқланади

Оммавий ахборот воситаларининг хабарларига кўра, Франция пойтахти Париж шаҳрида бир кун лавомида автомобиллар ҳаракати тўхтатилади. Бундан мақсад шаҳар экологиясини яхшилашга қаратилган ташаббусларни қўллаб-қувватлашдир.

Акция 2015 йилнинг 27 сентябрь куни соат 11:00дан 18:00га қадар давом этади. "Машиналарсиз Париж" экологик ҳаракатининг мазкур тадбирини ўтказиш ташаббусини шаҳар мэри Анна Идалго маъқуллади.

Қайд этилишича, акция вақтида айрим транспорт воситалари учун шаҳар бўйлаб ҳаракатланишга рухсат берилади. Масалан, фавқуллодда хизматлар автомобиллари ва таксилар шулар жумласидандир.


## Америкалик аёл васияти

Нью-Йорк шаҳрида истикомат қилувчи миллионер аёл 100 млн. АҚШ доллари маблағини ўзининг 32 тўтиқушини парваришлаш учун сарфланишини васият қилди.

Мархума Лесли Анн Мандел ўз васиятига Ист-Хэмптондаги нархи 4 млн. АҚШ долларилик уйида тўтиқушлари яшашни давом эттиришини ҳам киритган. Ҳатто, хужжатда ҳар бир қўшнинг исми келтирилди.

Хонимнинг ишончли вакили сифатида ўғай ўғли барча ишларга бошчилик қилади. Шунингдек, унинг бу ишларга васият қилинган маблағлари, хонимдан қолган мушук ва итга ҳам парваришлашга йўналтирилади.

Аёл 69 ёшида оламдан ўтди. У аввал ўз фирмасига эга бўлиб, шу орқали мазкур маблағларни йиғишга муваффақ бўлган.



## Йўқолган талабалар қидирилмоқда

Мексика бош прокурори Арели Гомеснинг баёнотида кўра, ҳукумат 2014 йилнинг сентябрь ойида бедарак йўқолган 43 нафар талабалар юзасидан қайта тергов ишینی олиб боради.


Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка давлатлари комиссияси экспертларидан иборат халқаро мустақил гуруҳ бунча миқдордаги инсонларнинг бедарак йўқолиши ва бу бўйича ҳеч қандай ҳуқуқий чоралар қўрилмаслиги адолатсизлик бўлади, деган хулосага келган.

А.Гомеснинг айтишича, янги тергов-суриштирув ишлари олий тоифадаги суд-тиббиёт мутахассислари жалб этилган ҳолда олиб борилади.

Эслатиб ўтавиқ, 2014 йилнинг сентябрь ойида олийгоҳдаги талабаларга босқинчилар тўдаси ҳужум қилганида уларнинг 43 нафари изсиз ғойиб бўлган эди.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди



## Кабель телевидениеси йўқолиш арафасида

АҚШ кабель телевидениелари аудиторияси сонининг қисқариши бу тармоқнинг яқин орада йўқолиб кетишидан дарак бермоқда. Бу ҳақда АҚШдаги медиааудиторияни ўлчовчи "Pacific Crest" тадқиқот компанияси маълумот берган.

Кўшма штатларда кабель телевидениесида етакчилик қилаётган "Time Warner Cable" ёки "Comcast" каби компанияларнинг миқозлари йил сайин жуда катта кўрсаткичларда камайиб бормоқда. Маълумотларга кўра, мамлакатда охириги 5 йил ичида кабель телевидениелари аудиторияси кескин қисқарган. Жорий йилнинг бошида эса, кабель телекомпаниялари хизматидан воз кечган одамлар миқдори тармоққа биринчи марта уланаётган миқозлар сонидан ошиб кетган.

Бундан ташқари, океан орти давлатида кабель телевидениесига аввалгидек талаб йўқ. Охириги беш йил ичида 10 фоиз оилалар кабель телевидениеси хизматларидан воз кечишган. Тармоқнинг йўқолиб кетиши ҳақидаги мунозараларга 2015 йилдаги маълумотлар ҳам сабаб бўлди. Боиси, ўтган йили кабель тармоқлари хизматидан воз кечганлар сони 141 минг миқозини ташкил қилган бўлса, бу йил бу кўрсаткич 463 минг миқозга етган.



## Болакайнинг катта зарари

Тайванда Леонардо да Винчи ва бошқа италиялик машҳур рассомлар ишига бағишланган кўرғазма пайтида Паоло Порпоранинг (1617-1673) машҳур суратларидан бирини 12 ёшли болакай қутилмаганда бармоқлари билан тешиб қўйган.



Онаси билан кўрғазмага ташриф буюрган мактаб ўқувчиси Барокко услубида чизилган "Гуллар" картинасида қутилмаганда қоқилиб тушиб, зиён етказган. Маълум бўлишича, ушбу суратнинг қиймати 1,5 млн. АҚШ доллари баҳоланган.

Кўрғазма раҳбари Андреа Россининг сўзларига кўра, воқеадан бола шокка тушиб қолган. Бироқ ташкилотчилар етказилган зарарини боланинг оиласидан талаб қилишмади. Тез орада суратнинг зарарланган қисми тикланиб жойига қайтариб қўйилган. Кўрғазма якунланган, сурат яна Италияга қайтарилди.

Маълумот учун, Тайбэйда бўлиб ўтаётган кўрғазмада италиялик усталар томонидан чизилган 55 донна суратлар намойиш этилмоқда. Уларнинг орасида Леонардо да Винчининг 200 млн. еврога баҳоланган сурати ҳам жой олган.

## Ўтганларнинг охираги обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Тошкент шаҳар прокуратураси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази прокуратура фахрийси Лола Шомуротовага онаси **Халима ШОМУРОТОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

# Хавотирлар ариди бироз

Жаҳон ва Осиё чемпионатлари учун қўшма саралаш ўйинларини мағлубият билан бошлаган Ўзбекистон миллий терма жамоаси аста-секин ўз мавқени тиклаб бормоқда. Сентябрь ойининг дастлабки ўн кунлигида икки рақибга қарши ўйин ўтказган терма жамоамиз 6 очко жамғариб, гуруҳда иккинчи ўринга кўтарилиб олди.

"Пахтакор" стадионида гуруҳдаги энг кучсиз рақиб — Яман терма жамоасини катта қийинчилик билан мағлуб этган Самвел Бабаян шогирдлари 8 сентябрь куни саралаш ўйинларини кутилмагандан ўта муваффақиятли ўтказётган Филиппин терма жамоаси мекони бўлди. Очигини айтиш керак, Тошкентда бўлган ўйиндан сўнг мухлислар терма жамоамизнинг муваффақиятига шубҳа билан қарайётган эди. Хатто икки ўйинда галаба қозониб, бироз "хаволаниб" кетган филиппинликлар ҳам Самвел Бабаян шогирдларини мағлуб этишлариغا ишонша-

ётган эди. Хайриятки, барчаси биз хоҳлагандай яқунланди. Ўзбекистон терма жамоаси барча хавотирларни парчалаб, Филиппин терма жамоасини йирик ҳисобда мағлуб этди.

Тан олиш керак, галабага ўйин стартидаги муваффақият зарба замин яратиб берди. Ўйиннинг тахминан 40 сонияларида С.Жепаров О.Аҳмедовни кулай вазиятга чиқарди ва Одилнинг зарбасидан кейин тўп рақиб дарвозасидан ўрин олди. Табиийки, мазкур тезкор гол мезонларнинг ўйин олди-дан ишлаб чиққан режаларини бузиб юборди.

Кучли ёмғир остида бошланган баҳсда узоқ масофалардан йўлланадиган зарбалар ўйин тақдирини ҳал қилишини яши тўшунган терма жамоамиз аъзолари асосий эътиборни шу жиҳатга қаратишди. Шундай уринишларнинг бирида терма жамоамизнинг энг тезкор футболчиси Сардор Рашидов ўзининг индивидуал

маҳорати эвазига бир ҳимоячини алдаб ўтиб, кучли зарба билан дарвозани ишғол қилди. Бу пайтда учрашувнинг 14-дақиқаси ўтиб бораётган эди.

Мазкур голлар мезонларнинг руҳиятига таъсир кўрсатди, албатта. Шунга қарамай, улар аста-секин ҳужумкорликни ошириб боришди. Вакилларимиз эса бироз бўшашиб, асосан рақиб ҳужумини бартафоз эйтиш билан овора бўлиб қолишди. Биринчи бўлим тугашига 2 дақиқа қолганида эса Анзур Исмоиловнинг олис масофадан ўтказган узатмасидан кейин Игор Сергеев тўпни эгаллади ва бирга-бир вазиятда кучли зарба билан дарвозани ишғол қилди.

Иккинчи бўлимда устунлик тўлалигича футболчиларимиз томонидан бўлди. Ўйиннинг 65-дақиқасида бурчакдан узатилган тўпни Игор Сергеев боши билан дарвозага жой-

лади. Орадан 3 дақиқа ўтиб, терма жамоамиз посбони Александр Лобанов жиддий хатоси сабабли ўз дарвозасидан тўп олиб чиқишга мажбур бўлди. Тўғри, у бир вазиятда жамоамизни гол урилишидан қутқариб қолди, бироқ мазкур дарвозабон ўйинни ўзига ишонмаган ҳолда, хато қилиб қўйишдан чўчигандай хавотир билан ўтказгандек кўринди.

Ушбу гол Филиппини руҳлантирди ва улар яна гол уриш учун имкониятларга эга бўлди. Ўйин тугашига тахминан 10

дақиқа қолганида қарши ҳужумда Сардор Рашидов жамоамизнинг бешинчи голини рақиб дарвозасига жойлади.

Ушбу галабадан кейин терма жамоамиз очколари сонини 6 тага етказиб, гуруҳда 2-ўринга кўтарилиб олди. Шу кунги бўлиб ўтган гуруҳимиздаги иккинчи баҳсда Бахрайн терма жамоаси яманликларни йирик ҳисобда мағлуб этди.

Терма жамоамиз навбатдаги ўйинни 8 октябрь куни Бахрайнга қарши сафарда ўтказди.

Филиппин м.т.ж. — Ўзбекистон м.т.ж. — 1:5

Голлар: Шрэк (68) — Одил Аҳмедов (1), Сардор Рашидов (15, 79), Игорь Сергеев (43, 65)

"Н" гуруҳи							
№	Жамоа	Ў	Ғ	Д	М	Т-Н	О
1	КХДР	3	3	0	0	8-2	9
2	Ўзбекистон	3	2	0	1	8-5	6
3	Филиппин	3	2	0	1	5-6	6
4	Бахрайн	3	1	0	2	5-3	3
5	Яман	4	0	0	4	0-10	0

Реклама (эълон)

## ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР! «Асака» банк

қуйидаги муддатли омонат турларини тақлиф этади.

### Миллий валютада:

#### «БАРАКАЛИ»

Омонатнинг сақланиш муддати 6 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

#### «БАҲОР»

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

#### «ФАРОВОН ТУРМУШ»

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фоизлар омонат очилганда ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.

#### «ИМТИЁЗЛИ»

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда коммунал хизматлар бўйича тўловларга йўналтирилади.

### Хорижий валютада:

#### «ШОДИЁНА» (АҚШ долларларида)

Омонатнинг сақланиш муддати 24 ой.

Ҳисобланган фоизлар 12 ой ўтгандан сўнг ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

#### «МАДАД» (АҚШ долларларида)

Омонатнинг сақланиш муддати 3 ой.

Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

#### «СТАБИЛЬНЫЙ-1» (ЕВРОда)

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой.

Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий ва хорижий валюталардаги қулай шартларда 40 дан зиёд омонат турларини тақлиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	573-18-78
Юнусобод филиали	371	221-80-37	Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Сирғали филиали	371	258-67-49	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96	Афросиёб филиали	366	221-77-56
Асака филиали	374	233-13-69	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Фарҳод филиали	374	226-97-53	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-12-37	Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Олтиариқ филиали	373	432-10-11	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Кўқон филиали	373	552-61-04	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларнинг Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан Фуқароларнинг банкларида расмийлаштириш мумкин.

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- микдори чекланмаган.

www.asakabank.com

Хизматлар лицензияланган

## Ҳуқуқ

юрidik gazeta

Muassis:  
O'zbekiston  
Respublikasi  
Bosh  
prokuraturasi

Bosh muharrir:

Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:

Hakimboy HALIMOV  
Gulnoza RAHIMOVA

Baxtiyor NAZAROV  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
Kamoliddin ASQAROV  
(mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,  
233-10-53,  
233-64-85

E-mail:

huquq@huquq-gazeta.uz

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.  
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriq qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. □ — tijorat materiali.

Nashr ko'rsatkichi  
231

Buyurtma s-3878. 43 212 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: D.XALILOV  
Sahifalovchi: S.BABAJOV  
Navbatchi: O'.DEHQNOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.  
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyat matbaa ijodiy uyida chop etildi.  
Korxonaning manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617  
9 772010 761004